

Эркин Самандар

# МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ

---

*Лирика*

---



Гафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент 1979

ББК 84Уз  
С28

Самандар Эркин.

Менинг йигит вақтим: Лирика.—Т.:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С.—2126.

Шоир Эркин Самандар номини ўқувчилар яхши биладилар.  
Унинг талай шеър китоблари нашр қилинган, кўпгина шеърла-  
рига бастакорлар куй боғлашган ва улар таникли хонандалар  
томонидан ижро этиб келинмоқда.

Қўлингиздаги китобга шоирнинг янги шеърлари киритилди,  
шунингдек, аввалги китоблардан ҳам айрим шеърлар саралаб  
олинди.

Самандар Эркин. Годы мои удалые. Лирика.

ББК 84Уз7  
Уз2

С 70403—121  
352(06)—79 62/79



## ДАРЁ ОҚШОМИ

(*Манзара*)

Нуридан оламга кўрсатиб чирой  
Томошага чиқди кўк париси — ой.  
Енида бесаноқ юлдуз—канизак  
Хуснда ортиқдир бирни биридан.  
Дарё тўлқинланаб ишваларидан  
Ўзини тутолмай уради қарсак.

1953

## РАККОСА

Бир ўйнагил, дилбар, ўйна бир,  
Бўлиб сенинг рақсингга асир  
Эримаган юрак қолмасин,  
Қўзғалмаган туйғу, ҳаяжон.  
Томирларда чақнатиб яшин,  
Даврамизда оташ бўлинб ён.  
Узайтириб умрлар йўлин  
Кўрган кўзга бағишла роҳат.  
Мингта дилни сеҳрлаб қўйиб,  
Биттасини севолгил фақат.

1954

## Қ У М С А Ш

(Шуҳратга назир-и)

Висол чоғларимиз тушдию ёдга  
Таниш муюлишга бўлдим равона.  
Ошкор учрашувни санаб уятга,  
Сенга муюлишда эдим парвона.  
Эсимда, шу жойда жононим илк бор  
Қаршингда мажнунтол каби эгилдим.  
Юрагим толширдим мисоли дутор,  
Кўз ёшдай олдингга чак-чак тўкилдим.  
Амудай тошардим кўзнигга боқиб,  
Эсимда, эсимда, бари эсимда.  
Бас, дединг, бошимда чақмоқлар чақиб,  
Эсимда, кетганим шунда ўзимдан...  
Мана, ўша хилват. Қайдасан, эй қиз,  
Қалбимни титратар севги тўлқини.  
Бошим этган эдим, ерда кўрдим из,  
Сенинг изларингга ўхшатдим уни!  
Висол чоғин қўмсаб, эй қўзи зиё  
Сен ҳам муюлишга келганимидинг ё?

1955

\* \* \*

Ҳар хил янграп қитъаларда соз,  
Ҳар бирининг бўлакча тоти.  
Қўшиқларга бўлиб жўр овоз  
Ҳар хил кечар инсон ҳаёти.  
Турли байроқ, гербга сигиниб,  
Боришар дил орзуси сари.  
Лекин қаранг, бир хилда йиғлаб,  
Еир зайлда кулади бари...

1956

## ШАББОДАГА

Ёр зулфи бўйларин ёйдинг майин,  
Хизматингга жонни садқа айлайин.  
Сийловингни созга солиб сўйласин,  
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин.

Тўхтамай сен менга дилдордан гапир,  
Ишқ аталмиш сирру асрордан гапир.  
Кўнгли қаттиқ ул гўзал ёрдан гапир,  
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин.

Қелса ёrim бул кўнгил кошонадир,  
Қелмаса кўнглим уйн ғамхонадир,  
Кўйида дил қушлари парвонадир,  
Ёрсиз, шаббода, завқинг найлайин.

1957

## ОЖИЗА ХАЛФАГА

Корачиғсиз кўриб дунёни  
Гул ҳуснига бўлнисан ошиқ.  
Тошганидан қалбинг туғёни  
Тилингдан ҳеч тушмайди қўшиқ.  
Мен тинглайман ундан ишқ сасин,  
Унда қат-қат армон кўраман!  
Хонишингда баҳор нафасин,  
Гул жилвасин аён кўраман.  
Қўшиқ ожиз кўзингга шуъла.  
У туфайли кўрдинг гулни ҳам.  
Юрагингда қайнаб ашула,  
Кўз олдингда нурланди олам.  
Ҳайрон боқиб кузатаман жим,  
Гулзор ичра сени ҳар саҳар.  
Нени суюб, нени куйлардинг  
Кўзинг очиқ бўлганда агар...

*1957*

## ҲИВА ДИЛБАРИ

*Дига, дига, дигажон,  
Бекангиз бўйин оғажон.  
(Қўшиқ)*

Қыз етилса тақарди жига,  
Хилпиарди бошда дудори<sup>1</sup>.  
Оқар эти қалблан ашула  
Қўбуз чалса Хива дилдори.  
Ёнар эди қўлида хино,  
Матир<sup>2</sup> рўмол эгнига уйқаш.  
Париларга тутинган ошно,  
Буғдоймагиз, қўйкўз, қорақош.  
Сен-чи, дилбар, ўзга бир олам,  
Бошқа ҳислар ҳоким дилнингга.  
Сен кўринсанг тақинчоқсиз ҳам  
Юракларга тушар аланга.  
Қалблар тори чертилиб кетар,  
Қўшиқ келар тилга, дигажон,  
Ҳатто жига оғирлик этар  
Бошгинангда турганда жаҳсон.

---

<sup>1</sup> Дудор — пар тақинчоқ.

<sup>2</sup> Матир — тўр.

## ДҮСТ ҮЧУН

Дўсти содиқ бўлмагай миннатли дўст,  
Бўлса миннатли дегум иллатли дўст.

Яхшилик ҳар қанча қиммат бўлмасин,  
Юзга солмас ҳеч қачон ҳимматли дўст.

Дўст учун жоин фидо айлар ва лек  
Чекдим ҳеч заҳмат демас заҳматли дўст.

Кувса нурни дайди эулмат ногаҳон,  
Міехри нурин порлатар рағбатли дўст.

Бор бисотин дўстга тутгай беғараз,  
Қалби олтин, сўзи зар — давлатли дўст.

Бул жаҳоннинг юклари бўлмас оғир,  
Бўлса гар ёнингда бир қувватли дўст.

Душманинг журъат этолмас жангга ҳам  
Этса қалқон кўксини журъатли дўст.

Чин сўзин айтар Самандар ҳар мудом,  
Чунки чин сўз аслида қимматли дўст.

1958

## ЖАНГЧИГА ЁЗИЛГАН МАКТУБДАН

Озод қушлар парвоз этинг,  
Ёрга мендан салом айтинг.  
Енисейдан учиб ўтинг,  
Ёрга мендан салом айтинг.

Ёринг сени кутмоқда денг,  
Йўлингга кўз тутмоқда денг.  
Сабри тугаб битмоқда денг,  
Ёрга мендан салом айтинг.

Юрак-бағрим пора бўлди,  
Пора бўлди — яро бўлди.  
Қора кўзим ёшга тўлди,  
Ёрга мендан салом айтинг.

Айтинг, ёвни енгиб қайтсин,  
Таъзирини бериб қайтсин,  
Мардим кўкрак кериб қайтсин,  
Ёрга мендан салом айтинг.

Озод қушлар парвоз этинг,  
Ёрга мендан салом айтинг.

1958

## ҚИЗ ҚАЛБИ

Ишонгим йўқ қулсқларимга  
Лекин дилда покиза туйғу.  
Битмас қувонч бағишилаб менга  
Ўз оғзидан салом дебди у.  
Шунча бўлар марҳамат, ахир,  
Сийлов деган бўлар шунчалик.  
Қайда эди кечагина дуч келсақ ногоҳ  
Кўрмаганга оларди ёқиб.  
Бўзлар эдим кўчасида гоҳ  
Эшигига пинҳона боқиб,  
Бугун ўзи йўллабди салом,  
Наҳот бу ҳам бўлса бир ўйни  
Қиз ҳуснига рём **бўлиш осон**,  
Қиз қалбини англамоқ қийни.

1958

## АЙТМОҚ БОР ВА ЛЕКИН...

Тантиқ ўғил эдик, шўх бола эдик,  
Бизлар капалагу ҳаёт — лолазор.  
Дунёда ҳеч кимдан олмасдик ҳадик,  
Дунёда ҳеч кимга бермасдик озор.  
Дукурлаб кўчада ўйнардик шодон,  
Мактабда қўзичоқ мисоли юваш.  
Жийдани яшириб муаллим опадан  
Танаффус чогида қиласардик талаш.  
Энди бариси ҳам ширин хотира,  
Бир ажаб хаёлки, дуркун ва шўхдир.  
Ўйламоқ бор, аммо, тўймоқ йўқ сира,  
Айтмоқ бор ва лекин, қайтмоқлик йўқдир.

1958

## ҚАЙТАРИЛМАС БИР ОЛАМ

Чўлларда бўй таратган  
Гуллоламсан, ёшлигим.  
Тоғу тошин уйғотган  
Шалоламсан, ёшлигим,  
Ёшлигим,  
Шалоламсан, ёшлигим.

Дилда меҳри зилолам,  
Шодлик тўла пиёлам,  
Қайтарилмас бир олам,  
Бир оламсан, ёшлигим,  
Ёшлигим,  
Бир оламсан, ёшлигим.

Сен майдонда мардона,  
Она юртга парвона,  
Юрагимда ягона  
Таронамсан, ёшлигим,  
Ёшлигим,  
Таронамсан, ёшлигим!

1959

Қелмадинг сен қошимга,  
Юлдуз гувоҳ ёшимга.  
Севги тожин бошимга  
Қийганимни билмадинг.

Шовулларди ул анҳор,  
Сув бўйида интизор,  
Ҳўлга қараб зор-зор  
Қуйганимни билмадинг.

Кутдим сўзинг ёд қилиб,  
Кулган кўзинг ёд қилиб,  
Ёлғиз сени ўт бўлиб  
Суйганимни билмадинг.

**1959**

## СЕВГИ ҚУЧАСИ

*Мұхаббат үйлары төрдір...*

*(Күшикдан)*

Бу күчага мен ҳам кирганман,  
Илинганиң үйлида мен ҳам.  
Фурур билан күйлаб юрганман  
Ишқ завқига түлганды сийнам.  
Бир бүсанинг тоти билан маст  
Ҳаволаниң юрдим маҳлиә.  
Бу күчада ҳатто хору хас  
Күзларимга эди түтиә.  
Нурдай балқиб қора кечада  
Ер келганды титраб ёнғанман.  
Ена-ёна шу тор күчада  
Кенг оламни топиб олғанман.

*1959*

\* \* \*

Осмон билан ўпишади тоғ,  
Юлдузларга тирад бошинни.  
Ҳар лолани айлаб бир чироқ,  
Күз-күз қилар ҳар бир тошинни.  
Қучорига чорлайди чўққи,  
Диллар унга пайванд бўлади.  
Ушалганда инсон орзуси  
Кўкси тоғдан баланд бўлади.

1960

—838

17



## МЕН СЕНИ КЎРГУМ КЕЛУР

Мен сени кўргум келур,  
Меҳр кўргузгум келур.

Мен сени кўргум келур,  
Кўп савол сўргум келур.  
Мен дилимни севгининг  
Илгига бергум келур.

Мен сени кўргум келур,  
Қўл бериб тургум келур.  
Мисли шаббода сочингни  
Сийпалаб ўргум келур.

Мен сени кўриум келур.

*1960*

\* \* \*

Сокинликда түгилар қўшиқ,  
Сокинликда айтилар ишқ ҳам.  
Сокин диллар ҳикматга тўлиқ,  
Сокин кўзлар ҳамиша кўркам.  
Унга асло чўкмайди ғусса,  
Севинчлари бўлар бир дунё.  
Қанча азим ва чуқур бўлса,  
Шунча сокин оқади дарё.

*1961*

## УМР ВА НАВРУЗ

Энтикади дилим ҳар наҳор  
Борлиқ гулдан либос кийганда.  
Қувонтириб бу гал ҳам такрор  
Навдаларда ўйнайди ханда.  
Бугун қушлар сўйлайди эртак  
Чуғурлашиб далада, даштда.  
Бугунги гул, бугунги куртак  
Мева бўлса кузда хўп гашт-да.  
Яшинар умрим баҳори кулиб,  
Бироқ ҳаёт йўли бошқадир.  
Олдин мева берар етилиб,  
Кейин гулга чулғанэр умр.

*1961*

Фақат бир тонг яшади шабнам,  
Фақат бир тонг жилваланди у.  
Ором бериб кўзларга бир дам,  
Дудоқларга баҳш этди кулгу.  
Поклик бўлиб қалбларда қолди,  
Қўшиқ бўлди тилларда оти.  
Поклигидан боқий бўлолди  
Бир дамгина кечган ҳаёти.

**1963**

## ЛАЗГИ

Дилимга лахча ўт солдинг,  
На ўтки, чулғадинг олдинг,  
Уни сен тор қилиб чалдинг,  
Сеҳр, кўркинг — ибо, лазги.

Наҳордек жилвагар, серноз,  
Баҳордек дурмиши пардоз,  
Вафодек нодиру мумтоз,  
Амудек ибтидо, лазги.

Тилимда гоҳи сен алёр,  
Гоҳи сен куйчи сой, анҳор.  
Гўзал воҳам, сўлим гулзор,  
Гоҳи сен шўх сабо, лазги.

Кўзимга лоласан бир дам,  
Гўзал қиз боласан бир дам.  
Боқиб ором олар дийдам,  
Сафосан бебаҳо, лазги.

Хазина — нурли бўстоним,  
Дури сен, роҳати жоним,  
Уйимга келса меҳмоним,  
Ўзинг серилтижо, лазги.

Юрарман мақіовинг сўйлаб,  
Ўзингдек мавжланиб, қайнаб,  
Яшаргайман яна ўйнаб,  
Қариб бўлсан адo, лазги.

**1965**

## БУ КЕЧА

Ёнди юлдуз, кулди осмон бу кеча,  
Нурга тўлди боғу бўстон бу кеча,  
Ўйнатиб кўз келди жонон бу кеча,  
Кўйлагай дил шўху хандон бу кеча.

Неча кунлар кўз йўлида зор эди,  
Кенг жаҳон ҳам зор кўзимга тор эди,  
Васлин истаб дилда орзу бор эди,  
Қолмас энди зарра армон бу кеча.

Эзди ҳижрон қора тунлар тонг қадар,  
Кўзларимда андуҳ эрди шашқатор,  
Қочгай энди дийдалардан ул ғубор,  
Келди васлу кетди ҳижрон бу кеча!

Бул кеча дил малҳамидир мен учун,  
Гул ҳаётнинг зўр дамидир мен учун,  
Кечаларнинг кўркамидир мен учун,  
Мен учун баҳт, мен учун жон бу кеча!

*1966*

## ДУНЁНИНГ ёШЛИГИ

Майсазорда ўйнайди ўғлим,  
Боши уэра учар юз оҳанг.  
Кўрар гуллар тоза ва сўлим,  
Баргларида ўзга-ўзга ранг.  
Эндиғина кўкарган гиёҳ  
Шабнамларда янги ювилган.  
Қечагина наздига дунё  
Ўнинг билан бирга туғилган.  
Ер юзида бугун нур балқан,  
Бугун келган оламга ханда.  
... Шунда эрур инсоннинг баҳти,  
Дунёнинг ҳам ёшлиги шунда.

1967

Бир дамгина ором олдим йўл бошида,  
 Шода-шода тер оқарди юзларимдан.  
 Кўриб мени катта йўлнинг оғушида  
 Қараб қолди она қишлоқ изларимдан.  
 Сен ҳалитдан чарчадингми, деган каби  
 Элат менга йироқлардан боқар эди.  
 Менга бехос учрадингми, деган каби  
 Ёнгинамда катта ҳаёт оқар эди.  
 Нуридийдам — она қишлоқ, хотиржам бўл,  
 Сўқмоқлардан ўтсам ҳамки чарчамадим.  
 Дарё каби шовуллаган, эй катта йўл,  
 Хотиржам бўл, сенга бехос учрамадим.  
 Майсаларга ястандим мен йўл бошида  
 Бир дамгина хаёлимни тинитай, деб.  
 Кўнглим эриб табиатнинг қучоғида  
 Бир дам сафар ташвишини унутай, деб.  
 Кўзларимни қамаштирган нурли маскан  
 Қанотланган ўйларимга бўлар ҳамдам.  
 Парвоз олди бир дам тўхтаб турар экан  
 Қанотига йиғиб кучин бургутлар ҳам.  
 Йўл бошида мен бир ўзим турганим йўқ,  
 Битта ўзим бу манзилга етолмасдим.  
 Сўқмоқларда якка ўзим юрганимда  
 Чангалзору ҳалқоблардан ўтолмасдим.  
 Сўқмоқларда саховатли одамлар кўп,  
 Бегоналар чип ошино бўлиб чиқди.

Қайнаб кўрсни катта ҳаёт қўйнида деб,  
Улар мени катта йўлга олиб чиқди,  
Мен бу йўлда улар меҳрин куйлагайман,  
Улар меҳри вужудимга мадор бўлгай.  
Кечакундуз ёниб юртим ишқи билан  
Кўзларим ҳам юрагимдек белор бўлгай.  
Қани, ҳей, йўл, гирдобингга олгил мени,  
Талпингандим парвонадай чирогингга.  
Сўқмоқларда қолган ўша одамларнинг  
Шони бўлиб кирдим бугун қучоғингга.

*1967*

## БАҒИШЛОВ

Севги! Сенн ўйлайман кўпдан,  
Хаёлингга тўлиб юраман.  
Ёдинг билан кўпдан бери ман  
Алланечуқ бўлиб юраман.  
Ун саккизда қалбимга кириб,  
Не савдога гирифтор этдинг.  
Сўнг қўлимга қаламни бериб,  
Бир умрга ўйлатиб кетдинг.  
Ўйлардиму журъат этмасдим,  
Қандай ёзай, дердим, сен ҳақда.  
Куйдирганинг ўзи етмасми,  
Уртанганим озми қийноқда.  
Сенга учраб яна ўзимни  
Ёнар ўтга урайми такрор.  
Кўчаларда ёшлаб кўзимни  
Қўшиқ айтиб юрайми такрор.

Сени меҳмон деяр эдилар,  
Қалбга бир бор келар экансан.  
Ошиқ дилга кўрсатиб ҳунар  
Мажнун этиб кулар экансан.  
Қийнамоқлик одатингми ё,  
Ёдинг ҳамон бағрим тинтадир.  
Сенинг ўзинг битта-ю, аммо  
Қалбга солган дардинг мингтадир.

Қийнасанг ҳам ўзинг яхшисан,  
Уртамасанг қай тил куйларди.  
Юракларга чўғ солмасанг сан  
Ким дунёни обод айларди.  
Сенинг билан бўлмай овора,  
Муродига етмасди одам.  
Сен қалбимни этмасанг пора  
Чиқмас эдим рўёбга мен ҳам.

Бугун қалбим яна суронда,  
Яна уйқум қочди кўзимдан.  
Сен қайтадан уйғониб қонда,  
Яна ўзим билан ўзимман.  
Қўксимдадир карашманг ўқи,  
Измингдадир яна ҳаётим.  
Менга берган ситаминг ҳақи  
Шу қўшиқни сенга атадим.

1967

## СОХТАЛИК ХУСУСИДА

Яқинда дөхқонлар ер ҳайдайтиб, олтин  
танга тұла күза топиб олишди. Текишири  
натижасыда, тангаларнинг бундан икки  
минг йыл олдин шоҳ Митридат замонида  
ишилаб чиқарилгани ва сохталиги аниқ-  
ланди.

(Хабардан)

Сохталиктин кесгир тиги ҳамиша пинҳон,  
Қай тарафдан саичилади, ким айта олур.  
Ҳақиқат-ку, ахир, мана, ер билан осмоян,  
Дилим менинг доим унинг сехрида қолур.  
Чин деб гоҳи тушунгайман сохта кулгуни,  
Тиги бориб дилни тилгач англаб етгайман.  
Гоҳ кимсалар сохта ҳисни, сохта түйғуни  
Чин ўрнида ўтказсалар ёқа тутгайман.  
Күз қандайин илғай олур ҳавасни агар  
Мұхаббат деб мақр билан тақдим этсалар.  
Мисгар худди мис устига юргизгандай зар  
Олтин дерлар ўзни, миси чиққан кимсалар.  
Қурбон бўлар сохталика бизнинг соддалик,  
Суюнарлар сохтачилар ҳар алдов учун.  
Билмасларки, чин ўрнида ўтган сохталик  
Митридатнинг тангасидай фош бўлур бир кун!

1967

## Р У Б О Б

Ҳижрон туни. Рубоб фиғони  
Жимирлатар танимни бир зум.  
Юрагимда армон тўғаниб,  
Бозихтиёр ёшланар кўзим.  
У янграйди. Айлайди таъбир  
Не савдолар бўлса умрда.  
Жон ва қонга кириб бирма-бир  
Рақс этади томир-томирда.  
Бир иболи, сеҳрли торки,  
Наҳот янграп эзмоқ қасдида.  
Мунча фиғон қилмасди балки  
Турмаганда кўкрак устида...

**1967**

## ҚАЛБ ПИЁЛАСИ

Кўзлардаги меҳр нурининг  
Ҳаёт янглиғ умри мангулас.  
Умрин боқий айламоқ унинг  
Юрагимда пинҳон бир ҳавас.  
Болаликда қалб пиёласи  
Меҳр билан экан лиммо-лим,  
Гард қўндирамай ҳар бир қатрасин  
Энди жондай асрашим лозим.  
У тўлса гар оғирмас ҳеч юк,  
У тўлса ёт юракка нола.  
Ярим йўлда чанқайди юрак  
Ярим бўлиб қолса пиёла.

1967

## ЙИГИТ БОШИ ОМОН БУЛСА

(Халқ йўлида)

Қишида гоҳи тоғлар боши туман бўлар,  
Туманли кун ҳазин дилда гумон бўлар.  
Гумонли дил на иситар, на иситар,  
Иқбол қушин парвозлари армон бўлар.  
Нур ёритиб турсин орзу осмонини,  
Обод этсин йигит ҳаёт бўстонини.  
Ўзин севган йигитларни ким севади,  
Ким севмайди йигитларнинг полвонини.  
Аҳли ошиқ ҳеч қаерда кам бўлмасин,  
Киприклари ҳижронларда нам бўлмасин.  
Йигитларнинг кўкси тоғдай баланд бўлсин,  
Йигитларнинг боши сира хам бўлмасин.  
Эгик бошни қилич кесмас, деган гап бор,  
Эгик бошдан элу юртга қандай наф бор.  
Йигит қалби чаракласин чақин каби,  
Дурга ўхшаб кулиб турсин шому наҳор.  
Яхши уруғ тоғу тошда кўкаради,  
Қор-ёмғирда ва қуёшда кўкаради.  
Муҳаббатни улуғлайди чин ошиқлар,  
Яхши йигит ёрин бошга кўтаради.  
Ким ишонар яхши тулпор ёмон бўлса,  
Ёмон бўлмас тулпор йўли равон бўлса.  
Уту сувдан омон чиқар элу Ватан  
Йигитларнинг боши агар омон бўлса!

1968

## АРТИСТЛАР ҚАФЕСИ

Ярим тунда учрашди улар,  
Ярим тунда бошланди ҳаёт.  
Энди улар ўйнаб-кулишар,  
Энди улар тонггача озод.  
Ортда қолди саҳна, гринмлар,  
Ўзга ҳолат, ўзга қиёфа.  
То тонггача галма-гал улар  
Бир-бирини айлар зиёфат.  
Сигаранинг тутуни кезар  
Тўр пардали биллур хонада.  
Ўйин тушар йигитлар, қизлар,  
Вужудларда оташ ёнади.  
Ярим тунда пардай енгил руҳ,  
Ўйин тушар кексалар ҳатто,  
Остонада қолди ғам-андуҳ,  
Ўртададир вино ва картал  
Ташқарида қолди ташвиш, ғам,  
Қимларгадир тобелик, илинж.  
Саҳнадаги кулиш ва алам,  
Сохта севги ва сохта севинч.  
Оёқлардан артилган чангдай  
Ташқарида қолди ҳаммаси.  
Қалбга энди тасалли бергай  
Кафе ичра қадаҳлар саси.  
Бирга куйлар, ана, икки дўст.  
Бирга ичар икки ҳамсоя.

Саҳнада ўқ, узиб устма-уст  
Үлдирганди бир-бирин боя.  
Ана, ўйнар жувон даврада,  
Қўшиқ айтиб гир-гир айланар.  
Хўрлик чекиб сўнгги пардада  
Боягина ичганди заҳар.  
Энди эса қўлида қадаҳ,  
Вино акси ёнар лабида.  
Севинч ва баҳт тонггача ҳамроҳ,  
Тонггача завқ ўйнар қалбида.  
Кафе, ахир, театрмас-ку,  
Бунда виждан сўзлагай эркин.  
Ичкарига киролмай қайғу  
Остонада қолгандир. Лекин  
Ўтли-ўтли садо тараалар,  
Қўйлар ажиг қоши ёлари!  
Шу алфозда ҳар кеч ўйналар  
Артистларнинг фожиалари

*Париж, 1969*

## ИҚКИНЧИ ЁШЛИК

(Эжен Потъедан)

О, қирқ ёшим менинг, жим туринг,  
Оқ соchlарим, индаманг сиз ҳам.  
Шуълаларга чулғанган ернинг  
Латофати нақадар кўркам.  
Қалдирғочлар чорлаб саҳарга  
Нақ осмонга етказур бошим.  
**Сингилжонлар, салом сизларга,**  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

Кўнгил ғаму андуҳдан ҳоли,  
Тақдир ато қилган давлат шу.  
Не ажабдир хуруждан гоҳи  
Уз ризқимга ўзим қўйсам сув...  
Не ажабдир чертиб дил торин  
Еш шоирдай куйласам тошиб.  
Кўкни тутса шўх нақороти,  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

Кул остида ётар эди чўғ,  
На ҳоври бор, на бор овози.  
Бахтиёрман! У сўнгани йўқ,  
Сўнмадим мен, тирилди созим.  
Гурилла, эй ёнғин, чарс-чарс ён,  
Юз йилларга етсин бардошинг.  
Қайта келган ёшликсан чунон,  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

Шивир-шивир туташ япроқлар  
Сәхрлайди илҳом парисин.  
**Майли, игна санчсин ўтлоқлар,**  
Акация тикан ниқтасин,  
Табиатнинг бўлдим шайдоси,  
Шуълаларин симирдим босим.  
Ёқавайрон кездим, боиси —  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

Уй сургандада файласуф бўлиб,  
Нақ қуёшни сўроқ қилгайман.  
Бойчечакдай мен уни юлиб,  
Баргларини узиб олгайман.  
Пок ўйларга берилганимда  
Керубино<sup>1</sup> руҳи йўлдошим.  
Севишганлар ёди дилимда  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

Кўм-кўк майса, гиёҳлар эриб,  
Шуълаларга очади қучоқ.  
Бир-бириллинг пижига кириб,  
Силкинишар лолалар қувноқ.  
**Кўп севаман чаманзорни ман,**  
Табиатдир мунис сирдошим.  
Дудофидан унинг ўпаман,  
Бугун менинг ўн бешда ёшим.

---

<sup>1</sup> Керубино — француз драматурги Бомаршенинг «Серғалва кун ёки Фигаронинг уйланиши» комедиясининг қаҳрамони.

## ҚУЗЛАРИМ СЕНДА

Бу оқшом кўп қувноқман,  
Бугун сенга қўноқман.  
Сўзлагил, деб қистама,  
Қиз мақташга нўноқман.  
Меҳримни айтолмайман.  
Лойиқ сўз тополмайман,  
О, Мариза, Мариза,  
О, Мариза, Мариза!

Кўзинг хумор десамми,  
Юзинг анор десамми.  
Сен ҳазилни кўтарсанг,  
Ичим ёнар десамми.  
Тилла сочинг толаси —  
Үртар ўзбек боласин.  
О, Мариза, Мариза,  
О, Мариза, Мариза!  
Дастурхонда нок, узум,  
Лекин сендадир кўзим,  
Худди сендеқ ёrim бор,  
Бордир ўғлим ва қизим.  
Шўхликларим бир ҳазил,  
Кўнглингга гап келмасин  
О, Мариза, Мариза,  
О, Мариза, Мариза!

1969

## **ФОРИШЛИК САИЕХ**

Савлат тўкиб юрар Парижда  
Форишнинг чўнг колхоз сардори  
Ҳазил учун сўрар боришда:  
Қайда бунинг телпак бозори?

Кўчаларга ташлайди нигоҳ,  
Рекламадан қўзи қамашар.  
Орқасидан юриб қизлар гоҳ,  
Дўпписини айлар томоша.

Шунда кулиб мўйловин бурав,  
Тавозега билдирап қуллуқ.  
Сал нафасин қисиброқ турар  
Бўйнидаги шоҳи галстук.

Ялангоч қиз суратин кўриб  
Ҳайрат ичра бўғилар тамом.  
Лек иболи кўзлар сурури  
Юрагига бағишилар ором.

Сайдан сўнг ўтиrsa ҳорғин,  
Қора кофе тутар мезбонлар.  
Ичар, ахир, ёзмасин тағин:  
«Қора кофе ичмас дәҳқонлар».

Ичар, лекин кошкийди шу тоб  
Бир пиёла аччиқ чой бўлса.  
Ёдга келар, иштаҳа қўзграб  
Ўэимизнинг думбамой сомса.

Париж қалай? Кулишар дўстлар,  
Жавоб берар:— Яхшидир Париж,  
Мўйлов бураб сўнг қўшиб қўяр,  
— Ёмонмас-да, бизнинг ҳам Фориш.

1969

т юмилди,  
тилаги.  
ўмили,  
и юраги.  
ир қўнимсиз,  
орак бир ёқда.  
битта из.  
упроқда.  
арижга,  
монат.  
ошиқар,  
ит.

Кўзи унинг армон била  
Лекин бажо келтирилди  
Тани Париж мозорига  
Варшавага дафа этилди  
Шундан унинг руҳи кез  
Тан бир ёқда, шўрлик  
Икки ту проқ йўлларида  
Битта одам ётар икки  
Зиёратга келади ҳалқ П  
Қабри Узра туришади о  
Сўнгра хаёл Варшавага  
Юрагини айлагали зиёр

1969

## УЛГАИИШ ДАРДИ

И ўл. У аввал бир сўқмоқ бўлган,  
Тўрт тарафи бирдай ёлоза.  
Шабнам уни саҳарлаб ювган,  
Еллар уни супурган тоза.  
Сўнг ўртагач улгайиш дарди,  
Қўймоқ бўлган уфқалрга бош.  
Аввал уни баланд кўтариб,  
Сўнг бағрига ётқизганлар тош.

1969

# ВАТАН

1

Саҳар турсам кумуш воҳа  
Сочар шуъла қучогимга.  
Сабо ҳам эркалаб гоҳо<sup>1</sup>  
Қўшиқ айтар қулогимга.  
Сочим тортиб қочар шўх-шўҳ,  
Қаён борсам елиб юргай.  
Уфқда чўнг самовий чўғ —  
Қуёш уйқусидан тургай.  
Гиёҳларда сабуҳ шабнам,  
Сочилгандай садаф — дурлар.  
Қўшиқ айтгум тошинб мен ҳам:  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

2

Қизил барҳан у ёнида,  
Бу ёнида Амударё.  
Кўзим узмай жамолидан  
Туарман ошиқу шайдо.  
Менга райҳон имо қилгай,  
Кулиб сунбул этар таъзим.  
Ишққа мубтало қилгай,  
Нигоҳидан сезар қўнглим.  
Шивирлар аста япроқлар.  
Ниҳон куйлаб, ниҳон сўйлар,

Жавоб айланглар, ўртоқлар,  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

3

Мени бул жаннатий элда  
Сеҳрларди баҳор, ёзлар.  
Жарангларди ўнгу сўлда  
Майнин ва эрка овозлар.  
Бу сумбулми ва ё дилбар  
Таратган шўх садоларми.  
Ажаб, расмонами сафсар,  
Ва ё нозик адоларми.  
Дилим ҳайрону ҳангугу манг,  
Ўшал эртакдаги ерлар.  
Биродарлар, жавоб айланг,  
Бу боғни қайси боғ дерлар,

4

Боқар барг оралаб маъсум  
Бўлиқ сўлқим шибиргони.  
Ҳусайнининг латиф иси  
Муаттар айламиш боғни.  
Узоқдан чўғмидир дебман;  
Яқин борсам экан жийда.  
Замин узра кўриб маъдан  
Топар роҳат дилу дийдам.  
Кулар борлиқ мени сийлаб.  
Пойандоздир менга гуллар.  
Биродарлар, беринг сўйлаб,  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

5

Чопиб тўлқин билан оқдим,  
Үтиб кетди бола ёшим.

Ватан тупорини ўпдим,  
Эгиб мағрур йигит бошим.  
Қалам берди қўлимга ул,  
Дилнин чоғлади созга.  
Ёниқ меҳрим кўриб мақбул,  
Мени шай этди парвозга.  
Булатлар чокини йиртдим,  
Қўшиқ юлдуз сари ўрлар.  
Самодан боқдиму сўрдим:  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

6

Етайд деб бағрига ернинг  
Чаманларга ошиққанман.  
Фазалхон ўрлиман элнинг,  
Она юртга суюк жонман.  
Менга юрт жимжима сўзмас,  
Менга эл чиндан арзанда.  
Менга ул нур эрур кўзда,  
Менга ул жон эрур танда.  
Боқиб ҳуснига тўймасман,  
Гулистон бўлдилар чўллар.  
Ишонмай кўзга, сўргайман:  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

7

Кезиб Қурбон ота кун-тун  
Диёр хонншларин айтди.  
Муғаний куйлади мафтуҳ,  
Дилин ёнишларин айтдин.  
Бўлиб шоир бутун ўлка  
Қўшиқ айтди тўлиб-тошиб.  
Қамолат тонгига кўркам  
Ўсади инқилоб ёши.

Базм қурса Ичан қалъа  
Тошарди мавж уриб диллар.  
Қўшиқ айтар Анаш халфа:  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

8

Қолар ҳайратда лол барча  
Кўриб Урганч жамолини.  
Янги уйлар, янги кўча,  
Янги иқбол ҳилолини.  
Камарми белига Шовот,  
Қуёш гултоҗими бошда.  
Юрар ёшуллилар бот-бот,  
Фурур балқиб қари-ёшда.  
Бири ишчи, бири боғбон,  
Бари мардонавор эрлар.  
Бу Урганчни ёки бўстон,  
Бу боғни қайси боғ дерлар.

9

Аёллар васфини ёзсанм,  
Қороз етмас, сиёҳ қолмас.  
Парими ё ва ё одам,  
Аёл зотин билиб бўлмас.  
Севиб мен биттасин, ёраб,  
Ақл-ҳушдан жудо бўлдим.  
Қуёшдек ҳусинин мақтаб,  
Назмгўйи фидо бўлдим.  
Муаттар бўй сочиб энди  
Юрар тим-тим кезиб ҳурлар.  
Қалай сўраб, қалай билдим,  
Бу боғни қайси боғ дерлар?

Везат кўнглим қасидангни,  
 «Оқ олтин» мадҳини айтиб.  
 Бўлиб гўё зафар бонги  
 Жарангга тўлсин ҳар байтинг.  
 Дегил: онтинг тутиб ёдда  
 Кучингга куч тила, юртим.  
 Шараф довонлари олдда,  
 Отичгни қамчила, юртим.  
 Тағинда бонг уриб меҳнат,  
 Қулар эски қайир, қирлар.  
 Сўрарлар шунда ҳам албат:  
 Бу боғни қайси боғ дерлар.

Шимолдан то жануб юрсам,  
 Баланд учгай хаёл қушдай.  
 Буюк элда буюк юртсан  
 Үзукка қош бўлиб тушган.  
 Олисда гоҳ қуриб суҳбат  
 Фаҳр туйғусига ёрман.  
 Туролмасман узоқ муҳлат,  
 Яна бағрингга қайтарман.  
 Битарман то тириқдирман  
 Туну кун сента деб шеълар.  
 Қим эрдим, энди-чи, кимман,  
 Бу боғни қайси боғ дерлар!

## **БИР ОСМОН НУР**

Ер қалбига тутаман қалбим  
Садо келар тогу тошлардан.  
Түғилғанмиш юлдузлар қадим  
Ер йығиси — ернинг ёшидан.  
Бурқсиб-бурқсиб заминнинг дуди  
Ой юзига солмиш ғуборлар,  
Она-Ернинг кўз ёши энди  
Осмон тўла нур бўлиб порлар.

*1969*

## Ч О Р В О Қ Д А

Шўх-шўх ўйнар эдим  
Сен билан қирғоқда мен.  
Энди қўмсаб изларингни  
Хол-баҳол юрмоқда мен.

Қайга кетди, деб сўрар кўп,  
Сув уриб қирғоққа бош,  
Бир аниқ гай айта олмай,  
Лол бўлиб турмоқдамен.

Мавжли уммонга чиқармиз  
Дер эдик ирмоқ билан,  
Сувга айтгум эиди дардим —  
Юз ювиб ирмоқда мен.

Сен юрарсан катта йўлда  
Бахтиёр дўстлар билан,  
Тунлари қирғоқда уйғоқ —  
Кундузи Чорвоқда мен.

Сен дилимда ёнган ўтга  
Қанча сув сепган билан,  
Кўп авайлаб, ўчган ўтни  
Қайтадан ёқмоқда мен.

1969

## КЕЧИРАСИЗ, ДОКТОР

Ўзим ҳам биламан, доктор, биламан,  
Ҳаво етишмайди юрагимга гоҳ.  
Мен сиздан яшириб нима қиласман.  
Даво етишмайди юрагимга гоҳ.  
Бардош етишмайди, етишмас чидам,  
Ўзни аямоққа етмайди хоҳиш.  
Йўлларда ногаҳон толиқиб қадам  
Юрагим ўйноқлаб қолади нохуш.  
Чақину ёлқинлар ўтмайди беиз,  
Юрагим тубини чайқаб кетарлар.  
Баъзи одамлар бор, доктор, биласиз,  
Тиниқ сувларни ҳам лойқаб кетарлар.  
Олис ўлкадаги жанглардан тортиб,  
Оёқ остидаги иллатларгача  
Дилим пардасига тикандай ботиб,  
Қўзимдан уйқуни юлқир ҳар кеча.  
Қандай юраклар бор ғафлатда ётган,  
Дунёни сув босса ғам чекишмайди.  
Қандай юраклар бор тош бўлиб кетган,  
Менинг юрагимга тош етишмайди...  
Совуққон бўл, дейсиз, минг бор ташаккур,  
Дариг тутмадингиз гардсиз тилакни.  
Биласиз, ариза ёзиб ҳартугул  
Сўраб олмаганиман бундай юракни.  
Яхшиям шодлик бор боқий ҳаётда,  
Яхшиям кулгу бор, юракка далда.

Юрагим ҳаприқиб кетар роҳатдан  
Ошиқ-маъшуқларининг бахтин кўрганда.  
Кечирасиз, доктор, жаврадим роса,  
Сизга сўзладиму юмшади дардим.  
Башарти, кўксимда тошли қалб бўлса  
Юлиб ташланг, дея Сизга келардим.  
Ўзим ҳам биламан, доктор, биламан,  
Ҳаво етишмайди юрагимга гоҳ.  
Мен сиздан яшириб нима қиласманай,  
Қошимда турибсиз дардимдан огоҳ.

*1970*

## НУРЛИ КЕЧА

Оlamга оқди ёғду — зеболаниб келибсиз,  
Ўйнаб мисоли оҳу, ороланиб келибсиз.

Ипак кабі мулойим юзларга бериб оро,  
Кўзларга қўйиб жоду, ғавғо солиб келибсиз.

Ҳарир жамолингизни кўрганда кексаю ёш,  
Мақтов ёйилди дув-дув, раъноланиб келибсиз.

Қўз тегмасин мабодо яхши-ёмон ичидা,  
Дилимга тушди қўрқуз, жилоланиб келибсиз.

Ишонсангиз сўзимга, неча кеча кўзимга  
Келмайди энди уйқу — зеболаниб келибсиз.

1970

## ШИРИН ДАМЛАР

Сув сепгандај сокиндурур борлиқ,  
Ойна каби тиниқдир осмон.  
Тонгнинг пинҳон сирлари янглиғ  
Элга ҳали ишқимиз пинҳон.  
Сириң бўлса ҳозир айт менга,  
Ҳозир эшиш менинг сирим ҳам!  
Биз висолда ўтказган тунга  
Қўлин силкиб туарар субҳидам.  
Навбат бериб аста тун-кунга,  
Ёшлиқ ўтар эртами ё кеч.  
Лекин на сен, на мен ул тунга  
Қўлимизни силкитмайдимиз ҳеч.

*1970*

## ТА НИШУВ

Туғилганман баҳор чоғи қувонч әнгандада гулларга,  
Баҳордай мавж бўлиб кирдим сафоли, шўх кўнгилларга,  
Қаёқдансаниз, деса энди дегум эрка сингилларга,  
Қадимий Хоразм — ошиқ ва маъшуқ бир ватанданман.

Мени кийдирди, тўйдирди бобо мерос сахий тупроқ,  
Дилим покликка эш этди кулиб Новхос тонги оппоқ.  
Аму қирғоғида ҳар ён томиғ ёйган уруғ-аймоқ,  
Куюнчак, меҳрибон Она-Тома қизи Чаманданман.

Ука, оға, жиян, тоға тўқарлар тер кечакундуз,  
На ҳикмат бобида таиндо, иш санъат кўкида юлдуз,  
Бироқ ишлар қалай, денг-чи, бари бирдек дегайлар юз,  
Текис олтин заминданман, на пастдан, на баландданман.

Усиб-униб, ўқиб бедор шуарога қулоқ бердим,  
Ғазал сиймоларин бир-бир хаёл кўзгусида кўрдим,  
Унинг бири Қиёт ўғли, бири Фарғонада мардум,  
Деди бири Хўжанданман, деди бири Хўтанданман.

Туну кун Хивада кезсам сқиб турли нидо келди,  
Қоронғу гўшадан сирли, пушаймонли садо келди,  
Қаёқдансан, дея сарсон садоларга савол бердим,  
Деди Аваз қўлни бойлаб забун этган кишаңдзинман.

Менга Ҳива тилаб оқ йўл, қанот берди суюб-сийлаб,  
Менга Тошкент қуchoқ очди дилимни нурга ғарқ айлаб,  
Үғил-қизимни ардоқлаб, юрарман бахтга шеър бойлаб,  
Ғуурур бирлан дегум энди суханвор анжуманданман.

Узун тунлар она қишлоқ гоҳи тортар хаёлимни,  
Узоқдан термулиб қўллаб, тилар бахту камолимни,  
Саҳар еллар ила йўллаб қоларман-да, саломимни  
Деярман: «Мардуми ўзбек, қаён борсам Самандарман!»

1970

Тоғдан оққан шалола  
Васфида гулу лола,  
Сен мақтовдан уёла  
Кўзингни олиб қочма.  
Бундай кўз йўқ оҳуда,  
Боқиб қолсам гоҳида  
Ийманишинг беҳуда,  
Кўзингни олиб қочма.  
Кўзгинангга қиёс йўқ,  
Зарра ғам, қатра ёш йўқ,  
Бўлак бир илтимос йўқ,  
Кўзингни олиб қочма.  
Эл оралаб бўлса ҳам,  
Гоҳ қиёлаб бўлса ҳам,  
Іоқ, уялиб бўлса ҳам,  
Кўзингни олиб қочма.  
Қалбим тилсанг тил, аммо,  
Мендан кулсанг кул, аммо,  
Нима қилсанг қил, аммо  
Кўзингни олиб қочма.

1970

## ВАФО ДЕСАНГИЗ

Қаюот бойлаб учиб борай, кел, марҳабо десангиз,  
Дутор чалиб қуйлаб берай савту наво десангиз.  
**Мадҳу** сано истасангиз, ишқа ўқий қасида,  
Ед айтайнин **Лайли-Мажнун**, Вомиқ, Үэро десангиз.  
Тоғ десангиз осмонўпар қоя ясай заррадан,  
Қўлим билан гул ўстирай боғу сабо десангиз.  
Мен яратган тоғу боғда на бўлур ғам, на жафо,  
Учратурсиз ҳар қадамда меҳру вафо десангиз.  
Самандардек фурсатда мен конни ҳунар қўрсатай  
Борайми, деб сўратганда келсин, ҳавво десангиз.

1970

Қарши олди мени раиса,  
Үй тўрига ўтқазди сийлаб.  
Сўнгра деди: «Дала айлансан,  
Шеър ёзасиз томоша айлаб!»  
Таклиф этди «Волга»га мени,  
Рулни ўзи бошқара кетди.  
Чангсиз йўлда шамолдек елиб,  
Чаманлардан, боғлардан ўтдик.  
Хамроҳимга ташладим разм,  
Кўзларида ёнар нур, ҳаё.  
Фаҳр этса арзир Хоразм,—  
Раисаси эпчил ва доно.  
Хаёлнимни уққан каби у  
Аёллардан гап очди. Сўнг биз  
Гоҳ кулишдик, гоҳ чекдик қайғу,  
Гоҳ тортишиб қолдик иккимиз,  
Аёл зоти азалдан моҳир,  
Эпчиллик ҳам ундан тарқалди,  
Бу ҳақдаги баҳсимиҳ охир  
Афсонага бориб тақалди:

Жуда қизиқ замон эди ул замон,  
Эркаклардан хотинлари устомон.  
Ариқ қазиб, ер очган ҳам хотинлар,  
Кўш ҳайдаган шахдам-шахдам хотинлар.  
Булут босса қўёш бўлиб кулганлар.

Орзуларга қўша қанот бўлганлар.  
Тирикликнинг ғам-андуҳин елкалаб  
Эрларига боқа олган эркалаб...  
Эркаклари пича бўшроқ эдилар,  
Жиловларин хотинларга бердилар.  
Пешингача ухлашдилар ағанаб,  
Ҳатто уйни супуришга тўғаноқ...  
Пешиндан сўнг чой ва гурунг — бор гап шу,  
На ҳафсала, на рўзгорга қайишув.  
Маҳкам эди аёл зотин асаби,  
Лекин бир күн портлаб чиқди ғазаби.  
Аёллардан жарчи қўйиб ҳар ёнга  
Эркакларни тўпладилар майдонга.  
Сўзга чиқиб чорладилар, ишланг деб,  
Бир юмушнинг бошин сиз ҳам ушланг деб.  
Даладаги ишнинг ахир сони йўқ,  
Ёш-ёш қизлар ишлашади очу тўқ.  
Сабр тугаб жон тиқилгач ҳалқумга,  
Хотин-халаж арзга борди ҳокимга.  
Эркакмасми ўша ҳоким дегани —  
Гап чиқмади ундан ҳам бир бамаъни.  
Қўшни юртда ҳоким эди Гулойим,  
Адолатнинг ғамин ерди у доим.  
Саховатли, ақли зукко, феъли кенг,  
Қўл остида эру хотин теппа-тенг.

Воқиф бўлгач танбал эрлар ҳолидан,  
Олов ёнди Гулойимнинг қонида.  
Бир кечада қуюн каби елди у,  
Чегарага лашкар тортиб келди у.  
Хотинларни таҳқир этган бўлса ким,  
Барисига ўқилажак бир ҳукм.  
Битта жазо кутар ёшу қарисин —  
Бир-бир дорга осилади бариси.  
Хотинларга фармон бўлди бўлакча:  
«Рўзгордаги қайси нарса керакса —

Олсинилар-да, жанггоҳни тарқ этсинилар,  
Осоишиша гӯшаларга кетсинилар!»  
... Ёмғир қўйди, бузилди кун авзойи,  
Эртасига юриш қилиди Гулойим.  
Юртга жангсиз кириб борди лашкари,  
Қишлоқларда йўқ эди жон асари.  
Бўрон каби борар қўшин гувиллаб,  
Хонадонлар ётар лекин ҳувиллаб,  
Омборларни, долонларни титдилар,  
Қамишзордан, қабристондан ўтдилар,  
Дон гарами, томбоши ҳам қолмади,  
Тирик жондан аммо дарак бўлмади.  
Минг гўшага кириб чиқди хаёллар:  
Фаройиб иш қилган экан аёллар:  
Уйларини тарқ этганда азонда,  
Икки нарса опкетдилар рўзгордан,  
Бунинг бири — жондан суйган боласи,  
Иккинчиси — ё ёри, ё огаси.  
Бирин — қўлга, бирин олиб елкага  
Жўнадилар улар ўзга ўлкага!  
Бу — афсона! Қадим афсона,  
Оғизлардан оғизга ўтган.  
Афсона-ку асли баҳона,  
Бу — аёлга мадҳия экан.  
Тўқилгандир ё чиндир балки,  
Ким ишонар, ким дер уйдирма.  
Коинотга аёндир энди  
Эркак надир ва хотин нима....  
Икковида тенг ташвиш, орзу,  
Тенг ардоқлар икковин ҳаёт.  
Қизлар мисли Шириндай сулув,  
Йигитлар мард мисоли Фарҳод.  
Машинамиз борар ғизиллаб,  
Йўллар кетар гоҳ паст, гоҳ баланд.  
Орамизда тугаб қолди гап,  
Хаёлимиз афсона-ла банд,

Раисага тушдими маъқул,  
Аждодига қандай баҳоси?!  
Кўзларидаги лекин ҳартугул  
Қалқиб турар қалбин жилоси.  
У-ку олиб кетмоқда мени,  
Нимадандир бу ҳам нишона.  
Бошқачароқ шаклда энди  
Давом этар гўё афсона...

1971

## СЕВГИ ФАСЛЛАРИ

Сўлим боғ ичра бу оқшом чарақлайди зиё тавҳо.  
Зиё оғушида дилбар кўзимга тўтиё танҳо.  
Йироқдан сен нигоҳ ташлаб сира икки дема бизни,  
Бу танҳо боғда бир менман ва бир шўх маҳлиқо танҳо.  
Ениб ул менга термулгай, куйиб мен унга боққайман,  
Фақат шайдодир ул ёлғиз, фақат мен маҳлиё танҳо.  
Икки дил талпиниб бирлик ва дўстликни шиор этса,  
Бу бирликни ибо бузгай, бу дўстликни ҳаё—танҳо.  
Кетолмай ҳам, келолмай ҳам турибмиз битта боғ ичра,  
Бу ёнда сайди дил якка, у ёнда қоши ё танҳо.  
Бу бизнинг севгимиз қаттиқ ниҳондирки, фақат билса —  
Билар бир Европа ёлғиз, билар бир Осиё танҳо.

1971

## ҚОРА ҚҮЗ

Ёнди қалбим қора күз, о қора күз,  
Сўрмадинг ҳолимни зебо қора күз.

Илк сени кўрдим ҳушим кетди тамом,  
Бошларимда ёнди ғавғо қора күз.

Уч малак кўрди ҳаёт, бирламчи сен,  
Қора күз Ширин ва Лайлло қора күз.

Куйди Фарҳод, куйди Мажнун кўзни деб,  
Кўзни деб мен ёнди пайдо қора күз.

Мен-ку заҳмат одами, Шоҳина сен,  
Сен-ку шаҳло, мен-ку шайдо қора күз.

Нур эмиб кўздан ўқиб чиқди савод,  
Севгидан бошланди имло қора күз.

Тенғ Самандарни яратди сен ила  
Кўп савоб иш қилди Хиво қора күз.

1971

## Х У Ш Х А Б А Р

Бошимни этиб осмон  
Богимга келармишсиз.  
Хуш кўрдик, азиз меҳмон,  
Богимга келармишсиз.

Ошиқ нима ҳам дерди,  
Сиздан шу умид эрди,  
Дўст келди, хабар берди,  
Богимга келармишсиз.

Кўнглини билайлик деб,  
Ишқ торин улайлик деб,  
Ўйнайлик, кулайлик деб,  
Богимга келармишсиз.

Сиздан бир умр ҳиммат,  
Биздан бир умр хизмат,  
Рост бўлса агар, раҳмат,  
Богимга келармишсиз.

*1971*

## БУХОРОДА БИР ОҚШОМ

Кел, дилбари шўх, чиқди ҳилол, ҳайло<sup>1</sup>,  
То субҳи сафо базми висол, ҳайло.

Ҳуснингга боқур юлдузу ой илҳақ,  
Дер барчаси ваҳ, кўрку камол, ҳайло.  
Тегрангда ёнур ошиқи зор олам,  
Рашк бирла куяр сарву ниҳол, ҳайло.

Келдингму дединг, Хива узоқ ўлка,  
Толдингму дединг, ёғди савол, ҳайло.

Ендош-ку, ана Хива билан Бухоро,  
Бир чехрадаги иккита хол, ҳайло.

Тинч оқшом эди шаҳри Бухорода,  
Не бўлди ёмон турди шамол, ҳайло.

Оч кўзни Самандар, не шамол, ҳай-ҳай,  
«Ўч» қасди билан келди Жамол, ҳайло.

---

<sup>1</sup> Ҳайло — Ҳув ана деган маънода.

## ТУЯМУЙИН ҚҰШИГИ

Кезар эрди шамол сарсон қўнарга бир Ватан истаб,  
Қўяр эрди бари булбул козарга гул, чаман истаб.

Амударё ҳазини куйлаб, тошар эрди уриб тўлқин,  
Икки соҳилда ҳам гулшан кўрарни дафъатан истаб.

Кўнгил истаклари сингач, узиб гулдин умид, охир,  
Ёнибдур ошиқ аҳли ҳам кезиб тифи тикан истаб.

Неча йиллар боқиб офтоб кўрарга тоқати қолмай  
Ғазабдин парда тортмишдур юзига гоҳ туман истаб.

Бугун офтоб чарақлайди, бугун олам ярақлайди,  
Топибдур бахтини тупроқ бу янглиғ анжуман истаб.

1971

## **МАКТУБ**

Дилимга олов солиб  
Кулишларинг согиндим.  
Боғ ичида солланиб  
Юришларинг согиндим.  
Сўзимга гувоҳ мактуб.

Ийманиб ёзмас эдим  
Тушмасни деб қўлларга.  
Етказгил деб саломим  
Ёлворардим елларга.  
Не учун гуноҳ мактуб?

Узун тунлар бедорман,  
Сен бепарво кезарсан.  
Висолнингга хуморман,  
Мактубимдан сезарсан,  
Баридан огоҳ мактуб.

Ўйнаб-ўйнаб оқар сув,  
Кулар боғлар жамоли.  
Дилингда янги орзу,  
Едингда ишқ хаёли,  
Енингда ҳамроҳ мактуб.

Севганинг қилма ошкор,  
Ёмон кўздан пинҳон эт.  
Ўзимга айла изҳор,  
Фақат менга баён эт,  
Ёзиб тур гоҳ-гоҳ мактуб.

1972

\* \* \*

Уйгоқ эди ҳали юлдузлар,  
Юлдуз аро ҳилола уйгоқ.  
Ишқимиздан ҳали бехабар  
Ухлар эди роҳатда қишлоқ.  
Қалин солған кўрпасини тун,  
На бир шарпа, на бегона кўз.  
Лекин кўкда кўриб ҳаммасин  
Милт-милт боқиб турарди юлдуз.  
Дилда азал ишқ ўти пишон,  
Лекин уни асраб ҳар нафас  
Қундузлардан яширган билан  
Юлдузлардан яшириб бўлмас.

**1972**

## **САБОЛАР АЙТДИ**

*(Миртемировна)*

Гулзоримга қўнганида тун,  
Кслибсану боқибсан мафтун,  
Кўзларингда порлабди учқун,  
Эшитдим мен, раънолар айтди.

Эрк берибсан ошиқ юракка,  
Ўртанибсан, куйибсан якка,  
Нолишларинг етпиди кўкка,  
Эшитдим мен, самолар айтди.

Кўзи тушар, дея уйлабсан,  
Уйламоқдан сира тўймабсан,  
Деразамдан салом йўллабсан,  
Эшитдим мен, саболар айтди.

**1972**

## ТҮҚСОН ДАҚИҚА

Түқсон кун бўлади баҳор дегани,  
Кўз очиб юмгунча ўтар-да кетар.  
Түқсон кун ичида менинг кўрганим  
Түқсон йил ҳикоя этишга етар.  
Түқсон кун маъшуқам қўлидан тути<sup>б</sup>,  
Боғда кездим десам бўлмас ҳақиқат.  
Розимай умримда қолса ялт этиб  
Висол ва ҳижрондан түқсон дақиқа.

## ФАЗАЛ НАФАСИ

Бир шеър айтишайлик, келгил, дилбарим,  
Қалбимиз торини жаранглатайлик.  
Гулзорда уфурсин ғазал нафаси,  
Хаёлни хаёлга ошно этайлик.  
Сен битта айтгину мен битта айттай,  
Галма-гал ўқийлик икков тонггача.  
Севги айтишувин тингламоққа шай  
Энтикиб турибди мунааввар кечада.

## ТИЛ УЧИДА АЙТОЛМАЙМАН

Юрагингда севинч, нолалар,  
Ишқ боянида сен гули ушиоқ.  
Ҳуснинг мақтаб шонр болалар  
Багишлашар сенига мувашах.  
Исмийнинг ҳар ҳарфи бир мисра,  
Тил учида айтмоқлик осон.  
Мен иемнигга мәдхия битсам  
Ҳар ҳарфидан чиқур бир достон!

## **УЧРАШУВ ОЛДИДАН**

Вужудимда тотли ҳаяжон,  
Типирчилар юрагим нотинч.  
Қапалакдек учиб ҳар томон  
Хаёлларим бермайди тутқич.  
Эшикни ланг очиб қўяман,  
Сўнг ёпаман. Очаман тақрор.  
Яхшиликка барии йўяман  
Кутмоқ баҳти яхшиликка ёр.

## **КУТГАНИМДА**

Томогимдан олар бир нима,  
Уст-устига эзар беаёв.  
Юрагимда бевош силсила,  
Томиримда тилсиз бир олов.  
Кўзларимга тўлиб кетар мунг,  
Кузги баргдай титрайди таним.  
Мени сўлғин кўрсангиз, билинг,  
Келмаяпти демак кутганим.

## Н И X О Я Т...

Кулинг, боғлар, ёр келар бугун,  
Билинг, тоғлар, ёр келар бугун.  
Қувончимга шерик бўлинглар,  
Эй, ўр-тоқ-лар, ёр келар бугун.  
Сув сепинглар йўлларга пича,  
Боғ тўрига солинг кўрпача.  
Чолғучига айтинг, жўралар,  
Хазин куйин қўйсин бу кеча.

## **СЕНГА ҚАРАР БҮЛСАМ**

Бир тўп қизлар келар эди рўпарэмдан,  
Товус каби нозик-нозик босиб одим.  
Шунча гўзал паривашлар орасидан  
Бир қаравшда сени дарров топиб олдим.  
Кўзим олмай сенга тўйиб қарап бўлсам,  
Севгимизни ўртоқларинг сезмайдими?  
Мен ҳам бир тўп йигит билан чиқиб қолсам,  
Нигоҳларинг ёлғиз мени излайдими?

## **ВАФО ДЕГАН ГАВҲАР**

Сен мен учун жумбоқ эдинг, сир эдинг сен мен учун,  
Кўзларингни кулдириму очдим шаҳолигини.  
Сени илк бор ўз тилингдан сўйлатдиму ўшал тун  
Ҳуснингнинг ҳам қизлар аро кўрдим ташхолигини.  
Жумбоқ ечиш ҳунарини уқдим Сино илмидан,  
Рухсат этсанг, бу хизматда мангу қолар эдим мен.  
Менга агар қалбинг очеанг излардиму тубидан  
Вафо деган гавҳарни ҳам топа олар эдим мен.

## МЕНИНГ УЧУН

Миллиард йил ишлади табиат холис,  
Миллиард йил ичида бир тингани йўқ.  
Куидуз ва кечалар тер тўкиб холис  
Захмат чекмоқликдан эрингани йўқ.  
Нуқта-нуқтагача берди у тартиб,  
Бир хоки увоқдан зине таратди.  
Миллиард йил меҳнатнинг азобин тортиб,  
Фақат менинг учун сени яратди.

## БАҲОР ҮЗГАЧА

Шодланардим ҳар йил баҳорда  
Очилганда гуллар шокила.  
Бу кўкламда кўз узмай ёрдан  
Кувонаман силаб кокилин.  
Бултур баҳор чиройин кўриб,  
Чок бўлишга етди ёқамиз.  
Бу йил баҳор ва мен термилиб,  
Ёр ҳуснига тўймай боқамиз.

## ШАЙДОИИ ЕЛЛАР

Майнингина эсар шабада,  
Соchlарингни сийпалаб қочар.  
Кўм-кўк майса кулиб далада  
Шамолларга багрини очар.  
Майсаларга бурканар еллар,  
Кетар мовий уфқлар томон.  
Зум ўтмайин ҳаллослаб келар  
Килмишидан бўлиб пушаймон.

## **СҮЛИМ ҚИШЛОҚ**

Кула-кула, ғунчалар оча  
Баҳор келди бағрингга, Тузел.  
Баҳор янглиғ шуълалар соча  
Дилдор келди бағрингга, Тузел.  
Сўлим қишлоқ, маст этдинг мени,  
Хушим олди баҳорий бўса.  
Бир умр тарк этолмам сени  
Баҳор ва ёр бағрингда бўлса.

## МИНГ ЁЛВОРСАМ

Сен дарёни севар экансан,  
Бордир Чирчиқ бўйида изинг.  
Тўлқинларга боққанингда сан  
Мавжларидаи ўйнаркан кўзинг.  
Тошқин севгим айтиб тун ва кун  
Минг ёлворсам сўзим уқмайсан.  
Тўлқинларни севсанг, не учун  
Қалбимдаги мавжга боқмайсан?!

## У-ҚУ ОЛИС

Қоя узра оппоқ тоголча  
Шабадада силкиниб турар.  
Гулларига ҳайрон боққанча  
Юраккинам ўксиниб турар.  
Орамизда ётар тош, тикан,  
Борай десам билмайман йўлин.  
У-ку олис. Ёнимда турган  
Гулгун ёрга етарми қўлим?

## БИЗНИ ҚУТЛАБ

Боққа кирдик икков навбаҳор,  
Оқ гулларни этдик томоша.  
Эзгу ҳислар руҳимиизга ёр,  
Пок орезулар кўнгилга ошно.  
Шўх қушчалар чуғурлашдилар,  
Бийрон бўлиб кетди тиллари.  
Бизни қутлаб оппоқ ўриклар  
Бошимизга сочди гулларин.

## **СҮЛМАИДИГАН БАРГ**

«Ишқ» деб ёздинг лола баргига,  
Лола янглиғ юзинг қизарди.  
Ёзгин десаңг ишқ сўзин менга  
Юрагимнинг шаклин чизардим.  
Кони ишқдир юрагим ўзи,  
Қат-қатида ўтли дард қолди.  
Қўз ўнгимда ўша ишқ сўзи,  
Сўлмас бўлиб ўша барг қолди.

## **СЕН ЎЗИНГ САБАБ**

Чегара йўқ бугун мавжимга,  
Кайфиятим енгил ва сара.  
Завқим сиғмас жону танимга,  
Шодликларим билмас чегара.  
Барисига сен ўзинг сабаб,  
Сенсиз менга қувонч қаёқда.  
Қайғуларим қувиб ва ҳайдаб,  
Шодлик тутдинг менга дудоқда.

## СУВ ОҚМОҚДА ОЁФИНГ ЎПИБ

Сой лабида турибсан қувноқ,  
Сув оқмоқда оёғнинг ўпиб.  
Севинчларга очасан қучоқ  
Сен тошлардан тошларга ўтиб.  
Юзларимга сағратасан сув,  
Унутасан ўзингни буткул.  
Шўхликларинг ҳақи, ол, сулув,  
Сой лабидан уздим сенга тул.

## **БОШГА ТУШАР ДЕМАБМАН**

Остонада тунаб ошиқлар  
Тонг оттирган деса кулардим.  
Мен севгини эрка қўшиқлар  
Оҳангига эгиз кўрадим.  
Кеча тунаб остонада мен  
Тонг отганин, қаранг, билмабман.  
Ошиқлардан кулибман, лекин  
Бошга тушар бир кун, демабман.

## **ҚУЗЛАРИМГА БОҚ**

Сенга ўзга боқмаса, дейман,  
Ташламаса ҳеч кимса нигоҳ.  
Қарашганды сенга суқ билан  
Юрагимдаи узилар бир «оҳ».  
Сен ўзгага боқмасанг, дейман,  
Ташламасанг ҳеч кимга назар.  
Қўзларимга менинг боққил сан,  
Қўзларимда хаёлинг яшар!

## **СИФАТ**

Икки тундир сени кутаман,  
Икки тундир сен айтар сўзим.  
Ҳар шарпага қулоқ тутаман,  
Ҳар нуқтага тикаман кўзим.  
Икки тундир бағрим бўлиб хун  
Сифат топдим ҳуснингга ўхшаш:  
Бу икки тун сочингдай уэун,  
Бу икки тун қошингдай туташ.

## О Р З У

Етиб борса сенга хонишим,  
Қалбингдаги музни эритса.  
Илтижолар қилиб ўз ишин  
Тилларингни сўзга киритса.  
Яна дилда эҳтиром сақлаб,  
Эски ваъданг яна қилиб ёд —  
Эшик очиб, остона ҳатлаб,  
Ассалом, деб кириб келсанг шод!

## ИККИМИЗ

То тонггача суҳбат қурдик биз,  
Ёдга олдик висол онларин.  
Орзулардан яйраб иккимиз  
Эсладик ишқ хиёбонларин.  
Үчмас унда биз қолдирган из,  
Гулларга ранг берар жамолинг.  
Сўзлашдик шу ҳақда иккимиз —  
Мен ва Сенинг ширин хаёлинг.

## МУДДАО

Севаман. Борлигим тилсимда  
Сўзимни саболар тингласин.  
Мен билан бирлашиб кулсин-да,  
Мен билан қўшилиб йигласин.  
Се-ва-ман! Майлига эшитиб,  
Тог, дара ҳайратда қотсинлар.  
Сабо-ю, тогу тош кўплашиб,  
Севгимни дилдорга айтсинлар.

## **М У Р О С А**

Суратим бор сенинг қўлингда,  
У сен билан мурасададир.  
Ё тургандир кўзинг ўнгида,  
Ё китобинг орасидадир.  
Дилимда бир пинҳоний учқун,  
Фикримда бир ширин хулоса.  
Яхшиликка чиқарар бир кун  
Сурат ва сен қурган муроса.

## ҚИЁС БОРМИ ҲУСНИНГГА

Ёқмас эмиш исминг ўзингга,  
Сал дагалроқ эмиш чамаси.  
Қайси исм хуш ёқар сенга,  
Қайси иомга келар ҳавасинг.  
Қиёс борми нафис жисминигга,  
Қай тил ҳуснинг айлар ифода.  
Онаңг қўйга оддий исминигга  
Лойиқ бир сўз борми дунёда.

## САРХУШ БИР ОҚШОМ

Апрелъ. Сархуш, сармаст бир оқшом,  
Мен ўг эдим, сен олов эдинг.  
Севаман, деб мен ичсам қасам,  
Сен ҳам дилдан севаман, дедини.  
Қанча кутдим шу битта сўзинг,  
Борми энди менда ҳам армон.  
Тоиг отгач, ўз сўзингни ўзинг  
Унутма, деб фақат қўрқаман.

## УЗГАРИШ

Юрагингни муз деб билардим,  
Илимайди, дердим, ҳеч қачон.  
Дилингда қиш қаҳрин кўрардим  
Кулганида юртда саратон.  
Қандай оташ бағрингда ёнди,  
Қайдан келди олов танангга.  
Мен не қилиб қувонмай энди  
Муз деганим бўлса аланга.

## ТАЪНА ТОШИ

Отавер, отавер таъна тошини,  
Хориб-толганингча, тўйганингча от.  
Аёллар қўлида бу тош отилиб,  
Авлоддан авлодга ўтгувчи бисот...  
Қелдинг, деб от уни, келмадинг, деб оғ,  
Севдинг, деб от уни, севмадинг, деб от.  
Таънианг тошларига беради бардош  
Кипригинг ўқинга чидаган бу бош.

## ИККИНЧИ ДУНЁНИНГ ОДАМИ

Икки тонфага бўлингандир башар,  
Бор эрур яшашнинг икки маъноси.  
Бу дунё ичида икки дунё яшар:  
Ошиқлар дунёси ва ишқензлар дунёси.  
Биринчи дунёла тўрт фасл кўркам,  
Тўрт фасл одамнинг ишқидир ҳамдами.  
Сенинг ҳамдамини не, топмадим ҳеч ҳам  
Иккинчи дунёнинг одами?!

## БАЛОЛАРДАН АСРАБ

Кўз ёшининг бешигидир ғам,  
Ишқ нашъаси яшар кулгуда.  
Кўз ёши ҳам, қувпоқ кулгу ҳам  
Тугилади кўнгил мулкцида.  
Нобуд бўлар йўргакда қайғу  
Севги дилда очилса гул-гул.  
Балолардан асраб кулгуни  
Балофатга етказар кўнгил.

## ДЕҲҚОНЛАР ИБРАТИ

Ўзинг уруғ сепдинг ўз қўлинг билан,  
Меҳриниг оташида этдинг парвариш.  
Ўстирган гулингда кўрсанг-да тикан  
Сўлдириб ташласанг бўлмасми эриш.  
Деҳқонлар илмидан олсанг-чи ибрат,  
Уруғдан бўстонлар бунёд этарлар.  
Тикан деб сўлдириб кетмаслар ташлаб,  
Аксинча кундан-кун обод этарлар.

## КУНГИЛГА ДАЛДА

Юпатамаи кўнглини гоҳи,  
Вақти йўқдир дейман келишга.  
Куилар ўтиб ва сувлар оқиб,  
Ёз келмаса, келар-да қишишга...  
Келмади, деб куймам армонда,  
Хижрон мени этолмас карахт.  
Унинг билан битта замонда,  
Бир заминда яшаш ўзи баҳт.

## УЗИ БИР ТИНЧГИНА ҚИЗ

Гоҳ кулиб ташлар ингоҳ,  
Ҳажрида ўртайди гоҳ.  
Гоҳ саҳар йўл пойладим,  
Гоҳи туивой-войладим.  
Ҳам мени хон айлади,  
Ҳам мени қон айлади.  
Ўзи бир тинчгина қиз,  
Ўзин бир кичкина қиз...

Мен иссанкор бўлмасам агар,  
Қилмас бўлса кўнглим ғалаён,  
Киприкларинг тортганда лашкар  
Мен чорасиз қолмоғим аён.  
Ҳисларимни солсам мен ишга,  
Туйгуларни кўтартирсам бош,  
Бор вужудим келса жунбишга,  
Мумкин бўлур шунда... жон сақлаш.

## ТИЛАҚ

Сен тоғларга олиб келдинг нур,  
Тоғлар сенга қўшиқ бердилар.  
Сенга қоя осмоний гурур  
Ва ўзининг ёшини тилар.  
Мен тоғларга сени деб келдим,  
Тоғлар менга ишқ бердилар.  
Менга қоя боқар-да кенг дил,  
Ва ўзининг бардошин тилар.

## СЕНГА МАҲТАЛ БЎЛИБ

Уйғонмоқда олам, уйғонгил  
Етмайдими иолам, уйғонгил.  
Қулоғингга оғил сўзимни,  
Уйғон, эркам, очгиш кўзлиңгни.  
Ноз уйқунгни тарк эт, тура қўл,  
Ана, тутиб биллурин сопол,  
Қўлларингга қуяйин, деб зар  
Сенга маҳтал турнибди сахар.

## ГУЛ ВА ТОШ

Бир қўлингда гул эди, бир қўлингда тош,  
Гоҳ боқардим тошингга, гоҳи гулингга.  
Отарсанми тошии деб, тутар эдим бош,  
Тоширгандим жонимни икки қўлингга.  
Азобларга иштиёқ кўриб кўзимда  
Тошиигни отдинг менга, мўлжалга урдинг.  
Қўлдан олиб тошингни шодман ўзимдаи,  
Гулдан иборат бўлснн эидиги умриниг.

## ҚУРИБ ТУРИБМАН

Бугун мендан йпроқдасан,  
Олис тоғлар қўйнида.  
Хаёл суріб турмоқдасан  
Тошқин сойиниг бўйида.  
Хонам ичра мен бу дамда  
Бориб-келиб турибман.  
Хаёлимниг кўзгусида  
Сени кўриб турибман.

## БОЛАЛИҚ ГҮНОХИ

Гуноҳсиз банда йўқ дейдилар,  
Барига бу замон гувоҳдир.  
Умрлар бор экан, алҳазар,  
Умр деб атамоқ гуноҳдир.  
Мен ҳам бир гуноҳ иш қилгандим,  
Ўртайди ҳамон ўй сурганда.  
Қайсиdir йил эди кулгандим,  
Бир ошиқ зор йиғлаб турганда.

## СИР ОЛМОҚ БҮЛИБ

Ишқим менинг юракда пинҳон  
Кўп авайлаб-асрайман уни.  
Очиб-сочиб бўларми ҳар ён  
Ишқ аталмиш сирли туйғуни.  
Кўзларимга кўз солиб баъзан,  
Синар ағёр, сир олмоқ истар.  
... Ишқ гавҳардир. Холи деб кўздан  
Денгиз тубин ташлади гавҳар.

## ЗУЛМАТДАН ЗИЁ

Сўзлаганда ўйнаб тургувчи  
Кўзинг қора, қошларинг қора.  
Юрганингда ерга теккувчи  
Сақич каби сочларинг қора.  
Айтар бўлсам бор гапни, нега  
Кўзларингни олиб қочасан?!  
Қоп-қора қош-кўзингдан менга  
Оппоқ-оппоқ шуъла сочасан?!

## ВАЪДАНГДАН ТОНАСАНМИ

Дилинг чопмас экан, нега хўп дединг,  
Сўзим ёқмас экан, нега хўп дединг.  
Парвозга чорласам ҳали дил қушинг  
Қанот қоқмас экан, нега хўп дединг.  
Сўзингни қайтариб оласанми ё?  
Бир йўла ваъдангдан тонасанми ё?  
Мен сени ўн саккиз яшар, деб эдим,  
Фикри тўхташмаган боласанми ё?!

## ҮТИБ БҮЛМАС БЕПАРВО

Боғ тўрнда битта гул бордир,  
Битта гулга дилим хумордир.  
Имо қилар менга лутф этиб,  
Кетолмайман ёнидан үтиб.  
Ўтираман қошида ҳар кеч,  
Жамолига тўёлмайман ҳеч.  
Ў сендайн кулиб туради,  
Ундан исинг келиб туради.

Ёш эмассиз, дединг. Воажаб,  
Ёшман, дедим. Кўзгуга боқдим.  
Нетонгки, ўз-ўзимга қараб,  
Шошинб қолдим лол бўлиб ақлим.  
Табиатнинг ишлари қизик,  
Кўп нарсалар ҳали жумбоқдир.  
Сенинг юзинг кундан-кун қизил,  
Менинг сочим кундан-кун оқдир.

## Ш У Б Ҳ А

Мен бу дамда сени ўйлайман,  
Кўзларингни кўрмоқдаман нақ.  
Боқиб-боқиб сира тўймайман,  
Талпинаман васлингга илҳақ.  
Сен бу дамда қай ҳолатдасан,  
Қай кайфият руҳингга эгиз.  
Қимлар билан мулоқотдасан,  
Кўп ширинми суҳбатларингиз...

## О Г О Ҳ Л А Н Т И Р И Ш

Сенга аён дилдаги меҳрим,  
У булоқдек жўшар кўйингда.  
Кеча-кундуз қайнаб бетиним  
Гул ундираг келар йўлингда.  
Боқмас бўлсанг сен ўшал гулга,  
Тўлиб кетар зардобга сийнам.  
Қайноқ меҳр топилган дилда  
Топилади дерлар қаҳр ҳам.

## ЭЙ ДАРЁ

Эй дарё, сен шиқдат билан оқ,  
Эй тўлқин, сен сапчи осмонга!  
Руҳим менинг мавжларга чанқоқ,  
Қалбим менинг илҳақ туғенга.  
Фалаён сол туйғуларимга,  
Қонларимни жунишга келтир.  
Ҳижрондаги қайғуларимга  
Юпатгувчи малҳам бўлиб кир.

## ҚАЙФИЯТ

Тоғларнинг бошини туман босмоқда,  
Дилимни пармалаб гумон босмоқда.  
Севмайди, севмайди, севмайди, дейман.  
Севгининг қадрини билмайди, дейман.  
Тоғларнинг бошига шуъла энмоқда,  
Үйимда бир учқун порлаб келмоқда.  
Севади, севади, севади, дейман,  
На дилда гумону на тогда туман.

## РАССОМ БУЛСАМ

Қўлларингда бир даста лола,  
Қучоғингда бир олам ёғду,  
Шаҳло кўзинг ёнар мастона,  
Ёногингда ўйнайди кулгу.  
Рассом бўлсам ҳарир ипакка  
Шу ҳолатинг нақш этар эдим.  
Шу ҳолатинг кўриб юрмакка  
Ҳаётимни бахш этар эдим.

## **ИҮЛГА ОТЛАНГАНДА**

Мен қишлоқдан қайтмоқчи эдим,  
Отлангандим йўлга саҳардан.  
Лекин яна ушланиб қолдим,  
Қайтолмадим яна шаҳарга.  
Остонадан ҳаттай деганда  
**Рӯпарамда кулдию ногоҳ,**  
Юз-кўзимга сачратиб ханда,  
Ушлаб қолди бир оташ нигоҳ.

## **СОВУТМОҚЧИ БҮЛИШАР МЕНИ**

Мени совутмоқчи бўлишар сендан,  
Фийбат тўрларига сени ўрашар:  
Ҳуснингга гоҳида тош отиб зимдан,  
Очиқдан-очиқ гоҳ мени қайрашар.  
Гоҳида сўз бериб сендан совушга,  
Зум ўтмай сўзимдан тониб бораман.  
Беғубор кўзларинг ёдимга тушгач,  
Совушнинг ўрнига ёниб бораман.

## ҚАДИМИЙ ОШИҚЛАРДАЙ

Яхши бир от бўлса. Кенг бўлса адир,  
Уфқнинг этаги ловуллаб турса.  
Бир ёнда чаманлар уфуриб атр,  
Бир ёнда дарёлар шовуллаб турса.  
От кишинаб, ўйноқлаб турса депсиниб,  
Туёғи тошни ҳам ўйиб юборса.  
Эгарнинг олдига олсам-да сени  
Отнинг тизгинини қўйиб юборсан!

## РОСТ ЭКАН

Бир ой бўлди сени кўрмадим,  
Бир ой бўлди тинчим йўқолди.  
Висолингдан кўнгил узмадим,  
Иўлга қараб кўзларим толди.  
Юрагимда беҳисоб тикан,  
Ўтиб борар кунларим интиқ.  
Ишоимасдим аввал, рост экан,  
Жон дегани бўларкан қаттиқ...

Вафо расмин унутиб,  
Ҳисларимга йўл бердим.  
Одамлардан сир тутиб,  
Ўзга ёрга қўл бердим.  
Маст бўлганда ёр билан  
Кўкка учди орият.  
Кўзим очсан, туш экан,  
Туш экан, туш, хайрият.

## ТОЗА БҮЛСА ОДАМ ҒУБОРДАН

Севги майда гапмас, қўйсанг-чи,  
Билгирлик ҳам эви билан-да.  
Энг муқаддас туйғулар бонги  
Туғён урса дилда ва танда  
Тоза бўлар одам ғубордан,  
Севиб қолар оламни бутун.  
На ғарб, жануб, на шарқ, шимолда  
Уруш бўлмас мол-дунё учун.

## БИЗ ҚУПЧИЛИКМИЗ

Үйламагил, ёлғиз эмасман,  
Кўпdir менга сирдош ҳамроқлар.  
Сочларингдан тортиб бирласда  
Шамол менинг ёнимни олар.  
Тўлқин менинг тарафимдадир,  
Ана, қўяр оёғингга бош.  
Тунда юлдуз ёним оладир,  
Ёним олар кундузи қуёш.

## УҚАРМИСАН ДИЛИМНИ

Нимасига учганимни сўрайсанми, эй жўра,  
Шубҳа билан кўзларимга қарайсанми, эй жўра.  
Эй жўра, мен айтган билан уқармисан дилимни,  
Жўрам бўлиб сен ҳам энди ёқармисан дилимни.  
Мен ул гулнинг қалбидаги розларига учганман,  
Мен ул гулнинг лабидаги нозларига учганман.  
Мафтун этди нозик ақли, майин, эрка овози,  
Шуларга мен учдим, жўра, шундан баланд парвозим.

## ҲАР ГАЛ ШУНДАЙ

Яна келиб бир кулгу билан  
Кўнглим тории бойлади кетди.  
Сеҳрлади қай жоду билан,  
Ақлим ҳайрон айлади кетди.  
Ҳар гал шундай. Үлдим деганда  
Ўзи эшик очар-да келар.  
Лабларида ўйнатиб ханда  
Жон бағишлиб қочар-да кетар.

## Х О Ҳ И Ш

Бир эрка қўшиқ айт эркалаб,  
Сокинлик тушганда кечки пайт.  
Ғамларнинг чокини парчалаб,  
Эркалаб ўйноқи қўшиқ айт.  
Юлдузлар қолсинглар ҳайратда  
Борлиқни шодниклар чулғасин.  
Ҳар кўча, ҳар йўл, ҳар бекатда  
Эшитган юраклар тўлғансин.

Сен олдинда борасан  
Сочинг силкиниб.  
Мен сочингга қарайман  
Ёниб, ўксиниб.  
Оёғим тоғ тошига  
Тилиниб борар.  
Жоним қора сочингга  
Илиниб борар.

## МУҲАББАТ ЧИРОГИ

Шу чоққача нима бўлди билмадим.  
Қон этганмиш юрагимни тош тегиб.  
Ихтиёrim ҳеч ўзимда бўлмади,  
Нима деса ул ёр, кўндинг бош эгиб.  
Кечакелиб хэйр-хўш, деб жўнади,  
Пуфлаб кетди муҳаббатнинг чирогин.  
Қоронғида қандай яшаб бўлади,  
Нима бўлар экан энди бу ёги?!

## СУЗГА ҚОЛМАДИ ЎРИН

Дединг: бўлади, кетаман энди.  
Дедим: менинг ҳолим не кечар?!  
Дединг: ёнган меҳрингни сўндири.  
Дедим: менга раҳм этсанг нетар?!  
Дединг: бас қил, олма кўзга нам.  
Дедим: сўзга қолмади ўрин.  
Оёғингга йиқилай десам  
Йўлим тўсди сочинг — қирқ ўрнм.

## О П Т И М И З М

Ана, иқболим, дедим,  
Мана, иқболим, дедим.  
Гарчи эдинг йироқда,  
Гарчи хаёлим эдинг.  
Ҳамон кетиб борасан,  
Қаён кетиб борасан.  
Сен барибир умримга  
Иқбол бўлиб қоласан.

## **МАЙ ЎТИБ БОРМОҚДА**

Май тугаб бормоқда, сендан йўқ хабар.  
Уртандим фироқда, сендан йўқ хабар.  
Хабар бор етти бурж, етти иқлимдан,  
Фақат бир сен ёқдан, сендан йўқ хабар  
Софман деб бирордан айттириб юбор,  
Янги ғазалингдан байт бериб юбор.  
Муҳаббат айёми, ойларнинг ойи  
Май ўтиб бормоқда, сендан йўқ хабар.

Отелло ғазаби танишдир менга,  
Мен унинг исёнин эъзоз этаман.  
Бегона кўз агар қадалса сенга  
Отелло сингари қақшаб кетаман.  
Агар севгимизга хиёнат қиласанг  
Жудо бўлмасмиди жоидан икки тан.  
...Агар бир даврда дунёга келсак,  
Оғайнни бўлардик Отелло билан.

## СУРАШЛАРИНГ БЕҲУДА

Сен мени айлаб ёниб сўзлайсан,  
Орқамдан юрма, деб берасан сабоқ.  
Алланималарни тинмай сўрайсан,  
Мен жавоб беришдан ожизман бироқ,  
Сен менга сабоқдан очганда оғиз,  
Мутлоқ қулогимга кирмас гапларинг  
Қимиirlаб турарлар кўзимга ёлғиз  
Инжу тишларингу ёқут лабларинг.

## ҲАВОТИР

Юргил, бундан кетайлик нари,  
Ёқмас менга бу яйдоқ гўша.  
Ғанимларнинг шайтон кўзлари  
Бизни пайқаб қолганга ўхшар.  
Ҳозир гўё чироқ ёнади,  
Кўзимизга қадалар зиё.  
Шунда бизни ҳамма кўради.  
Биз ҳеч кимни кўрмасмиэ асло.

## АДАШМАГИЛ ҲИСОБДА

Мастонасан, кўзларинг сузук,  
Бир гапириб, ўнта куласан.  
Ё янгича фитналар тузиб,  
Атай сўзлаб, атай куласан.  
Майлига, шу кулгинг рост бўлсин,  
Кипригингга жоду илдирма.  
Бир гапириб ўнта кул, лекин.  
Бир кулдириб, ўнта куйдирма.

## ЮЛДУЗ БҮЛИБ

Юлдузларга бўлибсан муштоқ,  
Осмондадир мудом кўзларинг.  
Юрагимни қамрайди титроқ  
Кўкка бўқиб ёнган кезларинг.  
Юлдуз кони фақат кўк эмас,  
Ерга ҳам боқ, баҳтим қуёши.  
Юлдуз бўлиб мўлтираб ётар  
Остонангда кўзимнинг ёши!

## **ОВОЗА ЭДИ**

Унгимми бу, кўрмадимми туш,  
Иўқ, бу ўша дарвоза эмас.  
Ланг очилиб ётар фаромуш,  
Кўзларимга ишонгим келмас.  
Бир вақтлар... кўп келардим зор,  
Ишқим элда овоза эди.  
Ушанда у мен учун зинҳор  
Очиб бўлмас дарвоза эди.

## НОЖУЯ НУҚТА

Ҳузурингга чопар эдим мен  
Қалбим тўлиб ҳаяжонларга.  
Учрашувга нуқта қўйдинг сен,  
Нуқта қўйдинг ширин онларга.  
Энди шеърга машғулдир қалбим,  
Ёзиб юргум энди сен ҳақда.  
Учрашувга қўйганинг каби  
Қўёлмайсан қўшиққа нуқта.

## ОРАМИЗ УЗОҚ ЭМАС

Йўқ, бизнинг орамиз узоқ эмас ҳеч,  
Гарчи сен у ёндири, гарчи мен бу ён.  
Висол орзулари биз учун севинг.  
Ширин бир ғурбатдир биз учун ҳижрон.  
Йўқ, ора узоқ, деб қайғурма чакки,  
Шундай «ошиқлар» бор, худо асрасин,—  
Бир-бирин бағрида турсалар ҳамки,  
Ер ғилян осмондир улар ораси.

## СИНОВ ҚИЛАР

Бу кеч кўздан ёру ой йироқ,  
Еэилмайди дилдаги тугун.  
Чарақлайди ҳув минг-минг чироқ,  
Кўзларимда лекин менинг тун.  
Мудраб ётар гулзору ишком,  
Гўё ўчган баридан чирой.  
Ташлаб оғир ҳижронга бу шом,—  
Синов қиласиз бизни ёр... ҳам ой.

## **СОВУҚ ТУШГАНИДА**

Совуқ кеча эди. Вужудим қақшаб,  
Ҳарорат излардим муздай ётоқдан.  
Үтга зорлигимни сезганга ўхшаб,  
Ўшанда сен келдинг аллақаёқдаи.  
Бир олов оралаб ўтди танимни,  
Қақшоқ вужудимга югурди дармон.  
Совуқ тушганида авайлаб мени  
Уша ўт иситиб юради ҳамон.

## ҚУШИҚЛАРИМ БИР ДАФТАР

Қисқа ёздим. Ҳар шеърда бир гап,  
Юракпинг бир қалқишин айтдим.  
Муҳаббатнинг сийлаб ва ўртаб,  
Ўтга ташлаб ёқишин айтдим.  
Ловуллайди борлиғим ҳамон,  
Бор умримни иситар тафти.  
Ўтли севгим хақида ёзган  
Қўшиқларим бўлди бир дафтар.

## АГАР СЕВСА ҚИЗЛАР

Агар севса қизлар севарлар қаттиқ,  
Мангулик висолни ваъда қилурлар.  
Ёрнинг дийдорига илҳақу интиқ,  
Берган сўзларини онт деб билурлар.  
Умрга тенг эрур лафзинг кучи,  
Меҳрли кўнгилда топгай у қўним.  
Қизларнинг лафзига ишонмагувчи  
Мужмал йигитларни ёқтирмас кўнгил.  
Ҳазрат Навоийн лол этган гўзал  
Вафо чамангпа чиройдир мангу.  
Қўлимда ул севги чақнаган ғазал,  
Дилимда ул даҳо куйлаган туйғу.  
Баравж янграр экан муҳаббат сози  
Юраклар онтини буқолмас ҳижрон.  
Ёрнинг муқаддас лафзидан рози  
Қабрида тинч ухлар Ҳамид Олимжон  
ОНтсиз ва лафзисиз бўлмас муҳаббат,  
Шул сабаб енгилдир ҳижрон юклари!  
Лафз бўлмагандага янчарди албат  
Уруш йилларининг айрилиқлари.  
Фронт мактубларин ҳар сатри малҳам,  
Ҳар ҳарфи қўзларга бағишлар-да нур.  
Севаман... шу бир сўз, шу битта қасам  
Ўлимдан зўр келди десам рост бўлур.  
Менинг ҳам дилимда шу эски учқун,  
Бир қалам қошлини мен ҳам суйганман.

Гулгун лабларининг ваъдаси учун  
Севги ўтларида мен ҳам куйганман.  
Бир оғиз лафзини тумордай сақлаб,  
Асраб-авайлайман жонимдан ортиқ.  
Шояд ул бир куни ваъдасин оқлар,  
Ахир, қизлар лафзи бўлар кўп қаттиқ...

*1973*

## ШАМОЛДА ТУЙҒУ БОР ДЕГИМ ҚЕЛАДИ

Мен тош деб билардим тоғларни аввал,  
Совуқ харсанг дердим улкан қояни.  
Тоғда мұжизага дүк келдім бу гал,  
Бу гал тоғлар сеҳри лол этди мани.  
Яңги бир дүнени кашф этдим гүё,  
Ұзға бир нағасат құйнинга кирдим.  
Әртакда бўларди бу янглиғ рӯё,  
Аммо мен рӯёни тоғларда кўрдим.  
Баланд-баланд қоя қасрга ўхшар,  
Узоқдан эслатар азим қалъани,  
Бағрига чақириб нилуфар шаҳар  
Осмон гумбазида ётар товланиб.  
Жамолин кўрай деб тирмашдим тикка,  
Сўқмоқлар оралаб кездим ҳангун манг.  
Наздимда тош уйлар бўй чўзиб кўкка  
Нурсиз гўшаларга улашарди раиг.  
Чўққидан дарвоза, қоядан устун,  
Харсангдан ўриндиқ, тошлардан ётоқ.  
Осмонга юз тутиб порлар туну кун  
Сангин пештоқларда гүё тош байроқ.  
Меъмори шамолдир, рассоми шамол,  
Ҳар бир қиррасида шамолнинг қўли.  
Мезбони шамолдир, меҳмони шамол,  
Гувиллар қучоги шамолга тўлиб.  
Дайди деб ўйлардим шамолни бешак.  
Уни ўхшатардим ватанигадога.

Шунчалик қасрлар қурибди, демак,  
Йўл қўйган эканман андак хатога.  
Шамол югурди, шамол елади,  
Гўё елкасида яшаш қайғуси.  
Шамолда туйғу бор дегим келади.  
Меҳнат туйғусими, маскан туйғуси...

*1973*

## ИРОКИ ДҮППИ

Бу чиройдан ҳайропдир ақлим,  
Бу сеҳрдан дилим ҳангү манг.  
Ҳар нақшида ўзга нур балқиб  
Ҳар йўлида оқар ўзга ранг.

Қўзни ёқар қирмизи гули,  
Наҳот оддий рангга бўялган.  
Дўппи тиккан қиз боқقا кириб,  
Қизил рангни анордан олган.

Дўппи узра неча оппоқ из,  
Атрофинга қорми сочилган.  
Тоғ бағрига чиқиб чевар қиз.  
Қор рангини пига кўчирган.

Яшил рангин олган майсадан,  
Нусха берган ғўзаю шона,  
Узоқлардан ярақлар экан,  
Бу — лиммо-лим нурдан нишона.  
Водийларни кезиб чевар қиз,  
Танлаб рангнинг энг сарасини  
Сўнг дўппига чизибди холис  
Ўзбекистон манзарасини.

1973

## ИККИ ЗИЙНАТ ОЛАМДА

Осуда нуқталар ўтдиilar кетиб,  
Узун кечаларнинг битди мароми,  
Баҳор тошқинлари келдилар етиб,  
Яна ташриф этди севги айёми.

Дарёлар бағрида яна ғалаён,  
Сокин күллар ҳатто кўтардилар бош.  
Босиқ туйғулар ҳам урдилар туғён,  
Томир-томирларга югурди оташ.

Қўкка боқар бўлсам булувлар тошқин,  
Қағ-қағ учишади қущалар хуррам.  
Осмон гардишнга сиғмайди чақин,  
Пиглит юрагидек жўшқиндир олам.

Заминда пар каби енгил тароват,  
Эркин нафас олар яшил ўтлоқлар.  
Чамайлар бағрида ширин ҳаловат,  
Шўх-шўҳ силкинади жажжи япроқлар.

Кўхна чинорлар ҳам яшармиш гўё  
Баҳорни илк карра кўргандай шодмон.  
Тарам-тарам кулиб балқийди зиё,  
Қувончдан гулларнинг ёиғи алвои.

Бедазор оралаб ўйнайди сабо,  
Баргларда биллурдай жимирилаб шабнам.  
Борлиқдан тарапар бир эрка наво,  
Қиз бола кўнглидай нозлидир олам.

Наздимда қовушди икки минтақа,  
Қоришди оламнинг икки зийнати.  
Гўё учрашдилар битта нуқтада  
Қиз кўнглин нози-ю, йигит шиддати.

**1979**

## ГУЛ МАКОННИ САЙР ЭТИБ

(Огаҳий йўлида)

Кезганимда Хоразмни гул маконга учрадим,  
Гул маконни сайр этиб мени тоза конга учрадим.

Тоза коннинг дурларидан дилларимга завқ олиб,  
Булбули шод сайраётгай ошиёнга учрадим.

Ошиённинг шўх навосин тинглаганида ногаҳон,  
Бебаҳою бекиёс тубсиз жаҳонга учрадим.

Ул жаҳоннинг рангларини суртганимда кўзга мен  
Субҳидамда ғунча очган навжувонга учрадим.

Навжувоннинг кўзларида ўйнар эрди ишвалар,  
Ишва ичра офтоби жовидонга учрадим.

Ҳадя этгач ул табассум, ўсири кўнглим тоғ бўлиб,  
Қипригида жон узатган жонажонга учрадим.

Ёз, Самандар, куйласин дил, кулди толе юлдузи,  
Порлаган кўксига юлдуз қаҳрамонга учрадим.

1973

## ЧАЛҒУЧИГА АЙТИНГ

Жаранғдор куйласин, чалғучига айтинг,  
Юпайсин бир нафас, қайғувчига айтинг.

Юборинг тез хабар, келсин кулиб дилбар,  
Мулойим сўзласин, борғувчига айтинг.

Агар уйқуда бўлса уйғотинг куйлаб,  
Менинг бедорлигим уйқувчига айтинг.

Келурда дилбарим ҳар шарпадан қўрқар,  
Дадилроқ бўлсин, ул қўрқувчига айтинг.

Самандар устидан ошкор кулар ағёр,  
Кулармиз эпди биз, кулгувчига айтинг.

*1978*

Гулчеҳра совға айлаб гуллола келтирибди,  
Наҳотки гулни менга қиз бола келтирибди.

Гулга тўлиб қучоги, гулдай ёниб ёноги,  
Кўздан қочиб уёла-уёла келтирибди.

Гулларда келтирибди ул қатра-қатра шабнам,  
Гўёки бода лим-лим пиёла келтирибди.

Баргларда ранг жимиirlаб оқар дилимга пайваст,  
Шовуллаган ранго-ранг шалола келтирибди.

Самандар эрди ташна, қайдан хабар топиб ёр  
Япроқ ичиди мөхри энпола келтирибди.

1973

Амударё, мангу дарёсан,  
Ҳовуҷ-ҳовуҷ ёғду дарёсан.

Гоҳи майин, сокину ювош,  
Гоҳи ўжар, танти ва бевош,  
Тўлқинлари уфқа туташ  
Севинч дарё, қайғу дарёсан.

Едирган ҳам, ичирган ўзинг,  
Ўтрок ётгаи, кўчирган ўзинг,  
Жайҳун бўлиб жўш урган ўзинг,  
Замонларга кўзгу дарёсан.

Сенга боқсам оқизар хаёл,  
Сен куйлайсан, мен қоламан лол,  
Сенсан тутқич бермаган иқбол,  
Армон дарё, орзу дарёсан.

Сен шўх эдинг, лекин ҳаёт хор,  
Сув бўйида деҳқон сувга зор,  
Не кунларга бўлмаган дучор  
Дори дарё, оғу дарёсан.

Тарқаб кетди тепангдан булут.  
Офтоб каби кулди она юрт.

Ҳар жилғаси баракаю қут,  
Ҳар қатраси инжу дарёсан.

Лойқа сувинг тўйиб ичганман,  
Мавжларингдек тошиб жўшганман,  
Қўш соҳилинг гуллаган чаман,  
Кўркам дарё, сулув дарёсан.

Қўлларимда қофоз ва қалам,  
Қўшиқ айтгум сенга деб мен ҳам,  
Эшитмайсан, чопасан илдам,  
Тулпор дарё, оҳу дарёсан.

**1973**

## ШУХ ҚИЗ

Сочларингни ўйноқлатиб куласан шўх-шўх,  
Фамзалинг ўқни отиб куласан шўх-шўх.

Кумушданми зулфларингга безаклар тақиб,  
Юлдуз каби ярақлатиб куласан шўх-шўх.

Шўх, ўткинчи шамолларга рознингни айтиб,  
Сочларингни тароқлатиб куласан шўх-шўх.

Дайди сллар бирпас ташлаб кетар бўлсалар,  
Чор атрофдан сўроқлатиб куласан шўх-шўх.

Чорлаб-чорлаб бериб елга ихтиёрингни,  
Шому саҳар ардоқлатиб куласан шўх-шўх.

Келмоқ бўлсам еллар билан қошингга мен ҳам,  
Сен ўзингдан үзсқлатиб куласан шўх-шўх.

Самандардан дариф тутма васлингни десам,  
Сўзларингни илмоқлатиб куласан шўх-шўх.

**1974**

## АСРЛАР ГУЛДАСЛАСИ

Кошонага, вайронага тушди йўлим,  
Розин айтди кекса чипор, жажжи ғунча.  
Отелларда юраккинам дардга тўлиб,  
Мижжа қоқмай тўлғангандман тоңг отгунча.

Офтоб чиқиб ҳасратларни қувганида  
Турфа рангга чулғанарди олам яна.  
Гул япроғи, қиз дудоғи хандасидан  
Тотли ҳислар ўйларимга ҳамдам яна.

Чеҳраларга телмуардим шодлик излаб,  
Қораҷуққа тикилардим ахтариб нур.  
Барно йигит, оппоқ жувон, қора қизлар  
Тавозеси юрагимга олий сурур.

Тоза гулга ўхшатардим мен уларни,  
Рангларига такрор-такрор боқар эдим.  
Яна қадим ташбеҳлардан тотиб маъни  
Сўнгсиз хаёл дарёсида оқар эдим.

... Дунёча кенг табиатнинг саховати,  
Фақат боғлар, фақат тоғлар эҳсоними?  
Табиатнинг балқиб турган таровати,  
Салобату шарофати инсони-ку!  
У инсонни неча аср йўргаклади,  
Неча аср бўй-бастига берди оро.

Эзгуликка, ёруғликка етаклади,  
Юрагига муҳаббатни айлади жо.  
Довулларда чиниқтириди туйғусини,  
Берди турли-турли жило, ранг ораста.  
Мен ўйласам энди бизнинг ер юзини  
Кўз олдимга келар жонли бир гулдаста.  
Унда ўзбек қўлларининг қадоқлари,  
Рус ишчисин юзндаги тер шодаси,  
Ҳинду араб қизин бодомқовоқлари  
Бири гулу бири шабнам ифодаси.  
Она ҳаёт гулдастасин неча кара  
Етилтириди кўз-кўз этиб жамолини.  
Неча карра лекин гуллар кулган палла  
Рақам этди тарих унинг заволини.  
Қирқ биринчи йилнинг баҳор гуллари-чи,  
Энди ёзниңг қучоғига кирганида  
Энг етилган баргларига тушди қайчи,  
Фунчалари тиф остида бурда-бурда.  
Нега дейман баъзан содда бола каби,  
Босолмайман юрагимнинг туғёнини.  
Саволларим шунча қўпки, мураккабки,  
Минг боқсам ҳам кўролмайман поёнини.  
Нега уруш уни ўчмас, нега қирғин,  
Гулзор узра нега изғир ўқлар дайди,  
Нега ҳасад ва хусумат бўлмас қувғин,  
Нега эркни кўролмас кўз ўйилмайди?!  
Жўн бўлса ҳам ушбу савол ўттар мани,  
Ахир, олам насибаси ўт-чақинми?  
Тинчлик билан бошлиб инсон калимани,  
Тинчлик билан тутатгувчи кун яқинми?  
Одамларни гулдастага ўхшатдим ман,  
Жоиз бўлса-бўлмаса ҳам таъбир агар.  
Кўйиб берса дунё ҳалқи ясан-тусан,  
Бўй таратиб, куй таратиб гулдай яшар.  
Сўзларимга кўзларимни гувоҳ этай,  
Инсонларга инсон меҳрин туйғанман кўп.

Гул ёрига гулдай умрин беришга шай  
Одамларни жон-жонимдан суйганиман кўп.  
Бугун яна сафардаман, ўйнэр отим,  
Қулоғимда яна олис эллар саси.  
Бугун яна сафардаман, қўлда созим,  
Йўлларимда асрларниг гулдастаси.

**1974**

## БИР ҚҰШИҚКИ...

Севги таронаси янграйди серавж  
Висол сурурини айлаб овоза.  
Иккита тор ичра шунчаларки мавж  
Арзиди дарёлар олса андоза.  
Тинглаб тонг — саҳардан барг ёзди ғунча,  
Булбуллар ҳайратда қотдилар бир дам.  
Севги-ку эски дард, турғун тушунча,  
Қадим-қадимлардан күнгилга ҳамдам.  
Шундандир қуйлар ҳам, ўйлар ҳам ишқий,  
Ошиқлар муҳаббат номасин битар.  
Севги бу — шуидай бир үтли құшиқки,  
Ким куйлаб ўтади, ким тинглаб ўтар.

1974

## ОЙНИНГ ЁШИ

(Ҳазил)

Қойилмасман олимларга ҳам,  
Фаразларни тўқиб-бичарлар.  
Неча йиллар шому субҳидам  
Нуқул ойнинг ёшин ўлчарлар.

Оқшомларнинг зиёсн-ку Ой,  
Шуъласидан порлар ўтлоқлар.  
Аёлларнинг қиёси-ку Ой,  
Хушёр бўлинг, олим ўртоқлар.

Нозик иш бу, қалтис бир юмуш,  
Мавзу кўп-ку Ойдан ҳам бошқа  
Ҳисобларга кўра боёқиш  
Кирган эмиш беш миллиард ёшга.

Ўйлаш керак ҳали кўп чуқур,  
Хулосалар чалкаш ҳойнаҳой.  
Кўкка қаранг, ўша-ўша нур,  
Ўша-ўша ўн беш кунлик Ой!

1974

\* \* \*

Мен баҳорда чиқаман сойнинг бўйига,  
Тўлқин сапчиб қирғоққа тўш урганида.  
Мен баҳорда чиқаман сойнинг бўйига,  
Лойқа сувдан гулбин ис уфурганида.

Мен кузакда чиқаман сойнинг бўйига,  
Сув бетида жимирлаб қалқанда қўёш.  
Мен кузакда чиқаман сойнинг бўйига,  
Тўлқин тиниб, қуюлиб сққанда ювони.

*1974*

## ИЛИҚ ЭДИ ЭРТА КҮКЛАМ

Илиқ эди эрта қўклам, тоғ ҳавоси мулоим,  
Бор меҳрини тутар эди бизларга ер ва осмон.  
Чўққиларнинг виқорини, тоғолчанинг чиройин  
Кўзимизга сурта-сурта яйрар эдик беармон.  
Саховат ҳам гоҳи-гоҳи бўлар экан омонат,  
Тўла экан бу оламнинг бағри шовқин, сукутга.  
Бир нафасда қаҳр тўнни кийди қодир самовот,  
Шиша каби гардсиз осмон тўлди қора булутга.  
Тоғу тошни гумбурлатиб қуюн келди, сел келди,  
Аллақайда қарсиллади чўпонларнинг ўтови.  
Баҳорнинг оқ чечаклари худди тутдек тўкилди,  
Биз чинорлар панаисда жон сақладик бир нави.  
Ёқа ушлаб: «Ё тавбә», деб талвасага тушмадик,  
Ахир, энди кўрятмизми ёвуз селиш, бўронни!  
Биринчи бор лолаликда дилга тушди илк ҳадик  
Хоразмда бўрон туриб бузганида тўғонни.  
Бир нафасда поймол бўлди Қорақумнинг этаги,  
Кенг далалар сув остида қолиб кетди бир зумда.  
Кўрқиб дук-дук урар эди менинг мурғак юрагим,  
Хоразмни Амударё босар эди наздимда.  
Сувга боқиб уҳ-уҳ, дея эгиб оппоқ бошини  
Ёнгинамда қўлим ушлаб бобом турар эдилар.  
Дағ-дағ титраб ёнгинамда кўриб кўзда ёшимни  
Бу табиний бир оғатдир, қўрқма, болам, дедилар.  
Оғат кўрсан шундан кейин табиний деб ўйладим,  
Бобом сўзи қулогимдан кетмай қолди ҳеч нари.

Шу бир сўзни кеча-кундуз хаёлимдан қўймадим,  
Шу бир сўзни тақрорладим худди тўти сингари.  
Гулшанларни куйдиргана қонли уруш ёнгини  
Қурбонларнинг меҳрин қўмсаб ёш бағримни тилдим мен.  
Александр Матросовнинг эшитганда донғини  
Урушни ҳам, зафарни ҳам табиий деб билдим мен.  
Ийллар менинг хаёлимни бола каби улгайтди,  
Қирчиллама йигит каби шахдам бўлди ўйларим.  
Ийллар мени синовларда ўйлатди ва сўйлатди,  
Юрагимнинг дардларига малҳам бўлди ўйларим.  
Бор экан-да бу оламда адоват ва маломат,  
Бор экан-да бу оламда олтинлару кумушлар.  
Ҳасрат бўлиб кўринган ул аслида фирт хиёнат,  
Тажовузdir мен табиий деган қонли урушлар.  
Бехос тушиб қолса одам ёвузликнинг чоҳига,  
Офат экан, дейишар ва панд-насиҳат беришар.  
Сув сепмоқчи бўлишару ёнган дилнинг оҳига  
Ўзбилармон биродарлар кўнгил сўраб келишар.  
Қулоқ тутиб ўрганаман мен ғанимнинг сўзига,  
Ҳар калима саросима, ҳар луқмаси талваса.  
Не кулфатдир бизнинг кунда инсон ўзи ўзига  
Тўсиқ ясаб уни ўзи офат дея атаса.  
Кибру риё балосига дуч келсан мен ногаҳон  
Сел остида қолган каби ҳушим учар бошимдан.  
Қўйқисдан бир ёнгин ичра қолган каби куярман  
Кутмаганда сотқин одам пайдо бўлса қошимда.  
Фисқу фужур тифи тегса менинг очиқ кўксимга  
Зилзилада том босгандай қисирлайди суягим.  
Рақиб ғараз хуружидан рахна солса ишқимга  
Худди бўрон қўпган каби типирчилар юрагим.  
Уфқ каби чек билмайди одамзоднинг ҳиммати.  
Чин инсонни ҳар жабҳада ғолиб демоқ жоиздир.  
Табиатнинг офатларин енгар инсон қудрати,  
Лекин инсон ўз офатин қаршисида ожиздир...  
Бўрон бўлсин ва ёки сел, очиқ босиб келади,  
Улар кўзни алдамайди, ўзгартмайди шаклини.

Уларни на уюштириб, на-да йўллаб бўлади,  
Маккор одам уюштирас, йўллар аммо макрини.  
Макр гоҳи сариштадир, алдов гоҳи синашта,  
Илон заҳри, чаён заҳри яширинган риёда.  
Ақл доим курашдадир, юрак доим курашда,  
Одам ўғли одамзод, эй, умринг бўлсин зиёда!

*1975*

## НИГОҲ ТАШЛАБ

Ёруғ юлдузни тебратдинг нигоҳ ташлаб,  
Тиниқ денгиэнни тебратдинг нигоҳ ташлаб.

Осоиншта чамапларга ғулу солдинг,  
Гули қирмизни тебратдинг нигоҳ ташлаб.

Неча баргу неча япроқни силкитдинг,  
Не барг, илдизни тебратдинг нигоҳ ташлаб.

Оёқ остида тупроққа солиб титроқ,  
Мунаввар изни тебратдинг нигоҳ ташлаб

Ҳусн шоҳи бўлиб аввал Навоийни,  
Хўжа Ҳофизни тебратдинг нигоҳ ташлаб

Яшаб сокин ҳаётда биз муҳим эрдик,  
Ки ҳэтто бизни тебратдинг нигоҳ ташлаб

Самандарни бугун саргашталар этдинг,  
Садою сўзни тебратдинг нигоҳ ташлаб.

1976

## МАРГИЛОНГА БОРАМИЗ

Субҳидам салқин билан Маргилонга борамиз,  
Дилда бир ёлқин билан Маргилонга борамиз.

Хожат эрмас гул қидирмоқ Маргилонга совға деб,  
Шеър олиб, талқин билан Маргилонга борамиз.

Товланар олам баҳор айёмида атлас бўлиб,  
Завқ билан, тошқин билан Маргилонга борамиз.

Маргилон бағрида ғулгун яшнамиш дилбар ҳаёт,  
Талпиниб Тўлқин билан Маргилонга борамиз.

Қарғалар учди ва кетди, чорлади булбул хумор,  
Шул ёруғ таскин билан Маргилонга борамиз.

Ҳам Ҳаким, Ҳамдам, Латиф дўстлар Самандар ёнида  
Дейдилар Эркин билан Маргилонга борамиз.

1976

## ОНА, САХИЙ ҚҰЛІНГНИ ОЧ

Янги йилнинг қорли тонги тонгларнинг энг ёруғи,  
Она, иссиқ даврага кел, кулиб турған құрга кир.  
Бир вақтлар ўзинг сочған әзгуликлар уруғин  
Неъматлари дастурхонда бугун сенга мунтазир.  
Бугун комил ўғилларинг жизматингда турибди,  
Бири пахта соҳибидир, бири Рустам — паҳлавон.  
Менга ўзинг берган қалам завқи насиб этнебди,  
Күйчи ўғлинг табригини қабул айла, онажон.  
Олтмиш ёшнинг сиполигин кўриб мен бул аснода  
Иқболингни рақам этдим мисраларим қатига.  
Сенинг йўлинг рўшиноликдир, сенинг умринг ошнодир  
Кулиш баҳти, туғиши дарди, кураш машаққатнга.  
Оналарнинг душманлари бор, дегандинг ҳаётда,  
Мени йўлга отлантиридинг, кўрдим она, дунёни!  
Шундай зотлар бор эканки, эрк қушини сиртмоқладаб,  
Булут бўлиб тўсай деркан порлаб турған зиёни.  
Лекин қуёш ўз йўлида давом этар субутли,  
Лекин одам дадил-дадил қадам ташлар нур сари.  
Оlam гўё ўтган-кетган машаққатин унутиб,  
Янгиланиб бормоқдадир хаёлимиз сингари.  
Она, сахий қўлингни оч, мен қаршингда тиз чўқай,  
Үктам ҳаёт шуълаларин дуо айла, онажон.  
Илиқ бир сўз фарзанд қалбин дориломон этгандай  
Оналарнинг дуосига муҳтож эрур бу жаҳон.  
Бизлар бўлсак камарбаста ўғиллармиш ҳар қалай,  
Ҳар қалай, биз бугун сенинг буйруғингга яраймиз.

Тупроқ билан тирик бўлар умр мисли қарагай,  
Қарагайнинг умрин сенга табнатдан сўраймиз.  
Истагимиз олқагандай арча барги товланар,  
Дилимиэни шароб каби маст этажак баҳт тоти.  
Эртанги кун иқболидан қувонсин деб оналар  
Эркин-эркин силкинмоқда оппоқ тонгнинг қаноти!

1976

## ҚУРИНИШ БЕРМОҚ

То қиёмат уч-тўртта улфат  
Дўст бўлмоққа ружу этарлар.  
Дўст уйида тўй бўлса албат  
Бир кўриниш бериб кетарлар.

Аза бўлса маҳалла-кўйда  
Гўё куйиб мотам тутарлар.  
Туриб пича чеккароқ жойда  
Бир кўриниш бериб кетарлар.

Мажлис бўлса ва ёки йифин,  
Биласиз-ку улар нетарлар:  
Нотиқлар сўз олгандан кейин  
Бир кўриниш бериб кетарлар.

Оналари дардга чалинса  
Сим қоқишиб кўзёш тўкарлар.  
Келмадинг, деб дили оғриса  
Бир кўриниш бериб кетарлар.

Қамчи босиб борарлар отга,  
Шошқин куилар елдек ўтарлар.  
Улар келиб гўё ҳаётга  
Бир кўриниш бериб кетарлар.

1976

## ОНА ҚУШИҚЛАРИН УНУТИБ...

Ноқобил одамнинг фарзанди агар  
Ношуд бўлиб чиқса, баъзи эскилар  
Унинг озорини кўриб дегайлар:  
«Қуш ўз уясида кўрганин қилас».

Қушлар-ку шу дамда мовий осмонда  
Силкиниб, беозор учиб юрарлар.  
Улар заминдаги бир фақир жонга  
Мисол бўлганларин қайдан биларлар.

Улар уйларида она қушлардан  
Учмоқлик дарсни ўқир эдилар.  
Сўнг қанот чиқариб қору қишиларда,  
Оппоқ чўққиларни макон этдилар.

Осмонга ошиқсан қушларга ўхшаб,  
Учишни ўргатмас оналар бизга.  
Бизлар илк дунёга келгандан бошлиб  
Қўшиқ куйлагайлар қулогимизга.

Ииллар сув сингари тез ўтэр оқиб.  
Оналар қўл силкиб йўлда қоларлар.  
Она қўшиқларин унутиб гоҳи  
Бирорвлар дунёга ихлос қўярла...

Ҳаёт экан, ахир, яхшидан ёмон,  
Ёмондан яхши ҳам туғилса нетонг.  
Нечун юрагимда ёниб бир тугён  
Тинчлик бермас унда на оқшом, на тонг?

Фақат ўйларимга беради далда  
Онам қўшиқ айтган ўшал олис туи.  
Қушлар учмоқликни унумаганда  
Инсон эзгуликни унутар нечун?!!

1977

Анча бўлди бунга асли, фавъулодда бир сабаб.  
 Бир туртқидан кечагидай келди бари ёдимга.  
 Саратонда аллақайдан келардим сув ёқалаб.  
 Манзилимга шошар эдим қамчи босиб отимга.  
 Шунда кимдир талвасада «Ёрдэм!» дея чақириди,  
 Отим ўзи тўхтаб қолди тизгинини тортмаёқ.  
 Битта одам тўлқинларнинг гирдобида оқарди,  
 Жим-жит эди еру осмон, бўм-бўш эди қўш қирғоқ.  
 Мен отимдан тикка ўзни тўлқинларга ташладим,  
 Ҷўмиб-чиқиб борар эдим нотаниш ул жон сарн.  
 Бориб унинг совуётган қўлларидан ушладим,  
 Ва қирғоққа олиб чиқдим сузнб фаввос сннгари.  
 Ҳадя этай деди менга у қолган ўз умрини,  
 Вафо қилсиин ҳар кимга ўз умри ҳаёт боғида.  
 Бир дўстимнинг ҳовлисида, зиёфатда мен буни  
 Сабаб билан эсга олдим ўйин-кулги чоғида.  
 Эсладиму ич-ичимдан индо келди отиљиб,  
 Гўё совуқ шамол тегди юрагимнинг торига.  
 Ўз нағсининг ўнқир-чўнқир ўпқонига қоқилиб,  
 Дўстим чўкиб бормоқда-ку мол-дунёнинг қаърига.  
 Кўриб буни кўзларимда ўт ҷақнамас не учун,  
 Нима учун апил-тапил қўлларидан тортмасман.  
 Бир дўстимни қутқаргали етмайдими ё қучим,  
 Нега ўзни ул гирдобга, ул ўпқонга отмасман.  
 Кимдир ҳasad ботқоғига чўкиб борар беомон  
 Бадбўй балчиқ-лойларига белангандча имони.

У-ку хайр-хўш демасдан ғарқ бўлмоқда бегумон,  
Мен-чи, нега жим турнбман кўриб бундай савдони?  
Бирор қазган чоҳга тушиб чўкаётган аллаким,  
Ё тұхматнинг наҳри аро довулларга йўлиқса,  
Ўз гуноҳи ё бирорнинг айби билан музтарин  
Чўкаётган одамларни кўриб қолсак алқисса,  
Нима учун жон ҳолатда югурмаймиз ёрдамга,  
Нима учун мудроқ туйғу эшикларин қоқмаймиз.  
Нима учун ёнимизда чўкаётган одамга  
Томошибин бўлиб турмоқ гуноҳидан қўрқмаймиз?!  
Ҳаётда ҳам бўлар тошқин оддий куну тунларда,  
Қаҳрамонлик фақат жангда бўлади, деб ким айтур.  
Бебош ҳаёт дарёсида ғарқ бўлганини кўрганда  
Ўзни гирдоб сари отмоқ қаҳрамонлик саналур.  
Мен шу ҳақда ўйлаб қолдим хурсандчилик чоғида,  
Кечир мени, чирмандачи, ўйнанингга тушмадим.  
Юрагимни ўртаб юрган муаммолар ҳақнда  
Дўстларимга бир тўпори шеър айтмоқни хушладим.

1977

*Хоразм деҳқонлари бу йил баҳорда юз берган табиий оғат оқибатларини бартараф этишда мислисиз қаҳрамонлик кўрсатдилар.*

Селни бу эл илк дафъа кўрган эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.  
Келди селман, деб аввал Доро оқиб,  
Босди ғов ёвга Тўморис тик боқиб.  
Келди Кайхусрав қуюн, селман, деди,  
Бир ўзи чиқди Широқ, элман, деди.  
Сел бўлиб босгандга Чингиз лашкари,  
Довдираф қочганда шоҳ дengиз сари  
Мард йигитлар дардга соҳиб бўлдилар,  
Енгиллар селларни, ғолиб бўлдилар.  
Селни бу эл илк дафъа кўргани эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.

Кўп булут остида қолди офтоб,  
Шуъла деб дилларда ёнди Инқилоб.  
Ул булутлар қаҳри гулларни юлиб,  
Инқилоб устига оқди сел бўлиб.  
Чақди чақмоқ тилди зулмат бағрини,  
Синдириб ўтди булутлар қаҳрини.  
Ростлади қаддин она юрт бокира,  
Инқилоб офтоби чиқди ярқираб.  
Селни бу эл илк дафъа кўрган эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.  
Сел, қуюндеқ келди душман дафъатан,  
Ки, ҳалокат ичра қолди ҳур Ватан.  
Еғди ўқлар — қолди эл дўл остида,

Гул, чаман, бўстон бари сел остида.  
Оқди қон селдай бўлиб кундуз-кеча,  
Сачради учқунлари юлдузгача.  
Барча ғамга дош берип, қодир бўлиб,  
Кечди юрт селларни мард Собир бўлиб.  
Селни бу эл илк дафъя кўрган эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.

Бир осойиш субҳидам, кўклам эди,  
Сабзавор ер тонг каби қўркам эди.  
Кўқ юзин босди булатлар ногаҳон,  
Ёғди муз, ёмғир ва дўл, сел беомон.  
Жажжи бир киз қалбини тиғлаб борар.  
Бўлди нобуд ғўза, деб йиғлаб борар.  
Мен дедим, синглим, қара, тинмоқда сел.  
Мен дедим, синглим, қара, ёнингда эл.  
Селни бу эл илк дафъя кўрган эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.

Чиқди ёшу кекса биз бормиз, деди,  
Селни даф этмоқта тайёрмиз, деди.  
Ҳар эгатдан музни терди доналаб,  
Ҳар отизни<sup>1</sup> дўлу селдан тозалаб,  
Ҳар ниҳолга меҳрини жо айлади,  
Ҳар ниҳолда ғунча пайдо айлади.  
Чунки пахта унга баҳт-иқбол эрур.  
Қудрати олдида сел беҳол эрур.  
Селни бу эл илк дафъя кўрган эмас,  
Эркини селларга ҳеч берган эмас.

1978

---

<sup>1</sup> Отиз — ҳосил даласи

## МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ

*Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...*

*Иброҳим Юсупов*

Менинг эй, сий юзин үпгаш йигит вақтим,  
Юрак орзусига етган йигит вақтим.  
Учар қушларни даст тутган йигит вақтим,  
Фурурин тоққа тенг этган йигит вақтим.

Ҳаёт япроғида зарра ғубор кўрмай,  
Ғубордан сўзлагаллар сўзига кирмай,  
Қуруқ ҳою ҳавасларга изн бермай  
Ўтиб соғу омон кетган йигит вақтим.

Кўриб офтобни равшан, дилни шод айлаб,  
Кўнгил орзулатини офтоб айлаб,  
Хаёл кўзгусида баҳтин ижод айлаб,  
Ёниб ўтлуғ назм битган йигит вақтим.

Агар бор бўлса хумоқуш етарман, деб,  
Йўлиқса йўлда ғов енгиб ўтарман, деб,  
Улуғ ниятга борим баҳш этарман, деб,  
Елиб тулпорин ўйнатгэн йигит вақтим.

Бўлиб ҳамдарду дўст яхши-ёмон бирла,  
Биронга на-да шубҳа, на гумон бирла,  
Ҳамиша ифтихор айлаб замон бирла  
Муруват, марҳамат тоғсан йигит зақтим.

Ёниқ дилдорага ураб<sup>1</sup>, севиб дилдан,  
Туу күп номини ҳеч қўймайин тилдан,  
Тутиб кўздан иихонда, яшириб элдан  
Муҳаббат завқига ботган йигит вақтим.

Ишқда фитна борин билмайин кулган,  
Қолиб фитна аро ўз бағрини тилган,  
Шакар лаб ёдида куйган-да қоврилган,  
Шакар деб ёр ғамин ютган йигит вақтим.

Қараб йўлга умид бирла қилиб тоқат,  
Этиб такрор вафо сўзини ҳар соат,  
Ситам зардин, ҳажр жабрини билниб роҳат  
Висол айёмини кутган йигит вақтим.

Авайлаб икки кўзда соғиниш баҳтин,  
Кўриб икки кўнгилда бир ёниш баҳтин,  
Унинг гулдек очилган турфа қиз вақти,  
Менинг гул бўйини тетган йигит вақтим.

Муҳаббат куйида дуркун баҳор ўтди,  
Ўтиб ёз, чашма мавжи куз сари етди,  
Йигитликнин демасман ўтди-да кетди,  
Дегум ёр илтига ўтган йигит вақтим.

Замин ташвишлари қанча тушиб бошга,  
Сурон солғанларида кавқирон ёшга  
Йигирма бирла ўттида тўлиб-тошган,  
Бугун қирқда кийик отган йигит вақтим!

Ҳаёт янглиғ дамодам дардкашу дилкаш,  
Нафис туйгуларин ҳар зарраси оташ,  
Кезиб, жавлон уриб олис Самандарваш.  
Қўлимда тории сўйлатган йигит вақтим.

1978

---

<sup>1</sup> Ураб — мубтало бўлиб.

## УКАЖОНЛАРИМ

Эй, сиз жоңга туташ, эй, сиз жигарбанд,  
Эй, сиз құмри кабі маъсум, беозор  
Азиз укаジョンлар! Бұгун сарбаланд  
Пахта майдонида сиз ҳам паҳтакор.  
Сиз ҳам катталардек бұгун хаёлчан,  
Әмғир қуяр бұлса уұ тортасиз жим.  
Қүёш чиқар бўлса хурсандсиз ҳарчанд,  
Азиз укаジョンлар, укаジョンларим.

Энди қўлга олган катақли дафтар,  
Бир қути қаламни ташлаб жавонга,  
Кўздан уйқунгизни қувиб тонг-саҳар  
Келибсиз чеки йўқ паҳта майдонга.  
Мен бир акангизман, мен нима ҳам дей,  
Фақат сизда ўйим, сизда хаёлим.  
Шу муштдек бошингиз тошдан бўлсин-ей,  
Азиз укаジョンлар, укаジョンларим.

Бұгун паҳтададир ойи, дадангиз,  
Бұгун бувингиз ҳам ҳатто паҳтада.  
Мактабда сиз аъло ўқир эдингиз,  
Аълодан аълосиз аъло паҳтада.  
Юртга паҳта керак, етар ақлингиз,  
Юртнинг ташвишига қўшилмаган ким.  
Айтар сўзларимнинг мағзин чақингиз,  
Азиз укаジョンлар, укаジョンларим.

Аччиқ изифириндан жунжнка кўрманг,  
Муртак дилингизни босмасин қайфу.  
Энди ўзингизни кичикмиз деманг,  
Ахир, катталардек ишлайпсиз-ку!  
Пахтазор бағрида сезиб ҳоврингиз  
Жаранглаб кетгудай юрак торлағим.  
Шундоқ ишларимиз, шундоқ давримиз,  
Азиҳ укажонлар, укажонларим.

Сиз близнинг эртамиз, келажагимиз,  
Кўзга нур ва танга дармонимизсиз.  
Сиз бизнинг эртага айтар сўзимиз —  
Эрта ушалгувчи армонимизсиз.  
Хозир-чи, мард бўлинг, оқилу зийрак,  
Сиздан, ахир, Суқрот, Луқмони Ҳаким,  
Сиздан берунийлар чиқмоги керак,  
Азиҳ укажонлар, укажонларим.

Далада совқотиб ёқибсиз гулхан,  
Чўғларга чўзарсиз қўлларингизни.  
Тўнган юзларингиз қизариб гулдай  
Шу гулхан тиллари иситар сизни.  
Сиз унинг ўтини ўзингиз билан  
Элтингиз эртанги кунлардан нари!  
Элтингиз, шамолда учса ҳам гулхан...  
Азиҳ укажонлар, укажонларим!

1978

## ДАРЕНИ ҚҰРГАН ГУЖУМ

Жуда қуюқ әдә унинг сөяси,  
Энди сийрак тортиб бәрар шоҳами,  
Бир пайтлар яшнатыб Жайхун ёқасин  
Бу гужум сертүлкүн дәрәниң күрмиш.

Бунда құниб ўтмаш ис-не карвоңлар,  
Бунда ёқа йильтыш иомдор полвоңлар,  
Айю ҳаннос билан ўтиб замонлар  
Бу гужум чархпалак дүпениң күрмиш.

Ошиқ юракларнинг орзу оҳини.  
Оҳ уриб қирғоқда турған Моҳимни,  
Чайқалиб сандиқда өқсан Тоҳирни,  
Тоҳир деб дод солған Зуҳрони күрмиш.

Шоир құлидагы сергак қаламни,  
Бахши созидаги дарду аламни,  
Ошиқ Фариб билан машъуқ Санамни,  
Ёридан айрилган Ҳамрасын күрмиш.

Йұлин үзгартырдың дағды бекарор,  
Вафо айламади дуне бекарор,  
Эсди қанча шамол бежо, бекарор,  
Гужум боғ ўрнида саҳрони күрмиш.

Қошила қиличу қону ҳирғинилар,  
Бошида қарғаю зогу қузғунлар,  
Хар бир бутогини ямлаб ёнғинлар,  
Хар битта барги минг савдени кўрмиш.

Ҳали ҳам белига қулоч етмайди,  
Ҳали ҳэм танига болта ўтмайди.  
Ҳали ҳам ёдидан Жайхун кетмайди  
Ҳар оқшом тушида дарёни кўрмиш.

1978

## ХАЁЛЛАРНИ ЧОРЛАШ

Мен ўзимнинг тарқоқ, дайди хаёлларимни  
Чорлаб бугун бир нуқтага йиғмоқ истайман.  
Излаб ҳар ён-ҳар ёндаги ошёнларини  
Дил уйнга қайтиб көлинг дея қистайман.

Менинг дуркун, ёш хаёлим ёрнинг зулғига  
Илашганча кетгаң эдә йироқ-йироққа.  
Зулғ исини келтиргалн кўнгил мулкига  
Ваъда айлаб қочган эди ташлаб фироққа.

Менинг тошқиз, шошқин ўйим севиб денгизни  
Тўлқинларнинг ўркачига миннб кетганди.  
Менинг учқур, ғўр хаёлим олис юлдузни  
Қучмоқ бўлиб кўк саҳнига кириб кетганди.

Оқ қайнинг ошиқ бўлиб оппоқ хаёлим  
Адашганди Россиянинг ўрмонларида.  
Жанг изидан кетган эди яйдоқ хаёлим  
Аждодларнинг эрк деб сўлган суронларига.

Менинг хушнуд, шўх хаёлим баҳор чечагин  
Ёноғида қолган эди сармасст ва сархуш.  
Менинг тантн ўйим кўзлаб уфқ этагин  
Қанот қоқиб кетган эди мисли эркин қуш.

Истайманки, хаёлларим эниб тўрт ёқдан  
Менга олам оҳангларин олиб қайтсалар.  
Ташриф айлаб бирин-кетин яқин-йироқдан  
Қучоқ-қучоқ гул рангларин олиб қайтсалар.

Истайманки, хаёлларим юлдуз жилосин  
Кафтларимга қўйсалар-да чалсалар шўх соғз  
Оқ хаёллар олиб келган само зиёсин  
Кўриб ҳатто қора зулмат кийса оқ либос

Хаёлларни бир нуқтага йигмсқ истайман.

1978

## ЭСКИ УЛФАТЛАР

Улфат эрур дўсту ишоқ учта жигар,  
Хурмат этар учтасин ҳам катта-кичик.  
Бирга ётиб, бирга туриб, бирга юрар  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

Бозор кетар учта жигар аста туриб,  
Ўчтасида учта эшак, учта хўтиқ.  
Изин-кетин борадилар хаёл суриб.  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

Учта хўтиқ қанча турар сотса агар,  
Олса бўлар учтасига учта этик.  
Сотмоқ бўлар уч хўтикни учта жигар  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

— Чўтирик хўтиқ қанча турар?— сўрап бирсөв,  
— Ўзинг чўтирик, оғзингни юм, сочма кўпик.  
Уч хўтикни харида-рга мақтар учов  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

— Бизнинг хўтиқ чопишганда тойдан ўзар!  
— Бизнинг хўтиқ ўйноқлайди мисли кийик.  
Ҳар қайси ўз хўтигини мақтаб кетар  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

Мақтов ошиб, жаҳл тошиб, жанжал чиқар,  
Қочиб қолар харидор ҳам қилиб ҳадик.  
Намозшомда сўппайишиб қишлоқ қайтар  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожи хўжик.

Келадилар учта қўшни, учта ўртоқ,  
Учтасида учта эшак, учта хўтиқ.  
Ана шундай аҳил эрур, апоқ-чапоқ  
Соли Салим, Қори Қарим, Ҳожп хўжик.

1978

## ОЛМА ПИШГАНДА

*Рассом Раҳим Аҳмадовга*

Олмазорда ётар бир аёл,  
Ётар роҳат қилиб субҳидам.  
Унутмишдир ул соҳибжамол  
Чоғроқ кўрпа ёшинмоқни ҳам.  
Тонгда очик қолган кўкраги  
Ўйноқи бир сабо истарми.  
Ёки тонгининг титраб юраги  
Оқ сийнага ибо истарми.  
Гўёеки боғ, боғда ҳар шоха  
Боши узра эгилмиш ларзи.  
Ерга тушиб бир қўрмиз олма  
Аёл билан ётар ёпма-ён.  
Бир-биридан нозик ва латиф.  
Бир-биридан шириндир бўйи.  
Бул кўркни тил этолмас тавсиф.  
Боқкан билан қонмас кўз тўйиб.  
Қайда көзэр қўнимсиз боғбон,  
Сўроқлағди уни тонг олпоқ.  
Пишган иккى олма ёпма-ён  
Ётар боғда бир қўлга муштоқ...

*1978*

## Х И Т О Б

Эй, тоглик биродар, сен менга  
Кўрсатгил бир ажиб шаршара.  
Жамики шаршара ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.  
Эй, машшоқ биродар, сен менга  
Чалиб бер бир ўтли сувора.  
Жамики наволар ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.  
Эй, якто мунажжим, сен менга  
Кўрсатгил бир сирли ситора.  
Жамики юлдузлар ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.  
Эй, ошиқ биродар, сен менга  
Кўрсатгил уф чекиб бир паъра.  
Жамики наъралар ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.  
Эй, замин соҳиби, сен менга  
Кўрсат бир дийдайи хумора.  
Жамики дийдалар ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.  
Эй, кўнглим, шулардан сен менга  
Ато эт бир шеърий шарора.  
Жамики шеърларим ичида  
У бўлсин энг гўзал, энг сара.

1978

194

## ҮЙИНҚАРОҚ КҮН

Ҳазилга мөйилдири биринчп апрељ,  
Бу куни жилвагар кулиб тоңг отар.  
Тоңг билан уйғоиар ҳазилсвар эл,  
Ёлғон ростга дүнар, алдов асқотар.  
Дүст дүстни алдайды, ҳамроҳ ҳамроҳни,  
Алданған ўксимас, алдагай тоңмас.  
Бу куни қора деб айтсалар оқни  
Оқ рағиғ шайдоларин дили оғримас.  
Чуники биладылар бул баҳор куни  
Қувиоқ ва ҳазилкаш, вафосизроқ кун.  
Қызларга қиёс ҳам этарлар уни  
Пича ўйинқароқ бўлгани учун...  
Нима ҳам деб бўлар элда удум-да,  
Элдан чиқиб бўлмас бир қарич нари.  
Сокин япроқларни ўйнатгани елдай  
Тезда ўтиб кетар апрељ қунлари.  
Апрељ шамолига қўшилиб гужғон  
Хас каби юлқиниб кетсайди ёлғон...

1978

195

## ТУРФА ЎЙИНЛАР

Етаклаб ўзининг маъсум хотинин  
Миржалол ғоз юриб чиқди даврага.  
Чет элда ўрганиб келган рақенин  
Қўрсатиб қўймоқчи бўлди ҳаммага.  
Хотини бечора учиб эс-хуши  
Одамлар қўзидан қочмоқни истар.  
Миржалол жазава ўйинга тушиб,  
Хотинин қилпанглаб ўйнашга қистар.  
Эҳ, сен Миржалолей, эҳ, сен Миржалол,  
Қўзингни бойлади қанақа тилсим.  
Иффатли, иззатли шу жуфти ҳалол  
Мушфиқанг чет рақсин қаёқдан билсин.  
Сен уни «Тановар» ёки «Жонон»га  
Ва ёки «Лазги»га ўйнат ўйнатсанг.  
Чет элда кўрганинг тантик аёлга  
Уҳшатиб хотининг ўйнолмас башанг.  
Қарагил, бағрингда муниса аёл  
Бачки қилиқлардан турар тортиниб.  
Тақдирга қуллуқ қили, шукур қили, Жалол,  
Турфа ўйинларни билмас хотининг..

1978

## АМУ СОҲИЛИДА БАИРАМ

Дарё этаклари кўркамдир бугун,  
Дилларга шўх оҳанг ҳамдамдир бугун,  
Орзулар қуш каби хуррамдир бугун,  
Голиб Хоразмда байрамдир бугун,  
Байрам, дўстларим.

Пахта усталарин ўтқизинг тўрга,  
Улар дил қўрларин бердилар ерга,  
Шоирлар ер ишқин жо этиб шеърга,  
Қўлда қаламларин шаҳдамдир бугун,  
Шаҳдам, дўстларим.

Баҳорнинг ташвишли тунлари ўтди,  
Ёзниг жазирама кунлари ўтди,  
Хоразм баҳт қучди, орзуга етди,  
Илдамлар ичидаги илдамдир бугун,  
Илдам, дўстларим.

Ҳар ён чопар елди: тўйга марҳабо,  
Қўшни туркман келди, тўйга марҳабо,  
Зафар тонги кулди, тўйга марҳабо,  
Ерда қиши, дилда-чи, кўкламдир бугун,  
Кўклам, дўстларим.

Икки соҳил баҳти дарё чиройи,  
Дўстлик ва қардошлик дунё чиройи,

Келди қорақалпоқ, дастурхон ёйинг,  
Қўшсоҳил ораста, шинамдир бугун,  
Шинам, дўстларим.

Буюк марраларни этолдик ишғол,  
Созанда, созингни авж пардадан сл,  
Пахта таронасин, зафар куйин чал.  
Бахт сози жаҳонга малҳамдир бугун,  
Малҳам, дўстларим.

Тўйда ўйна, деган хитоб ярашар,  
Ёзсанг бул байрамга китоб ярашар,  
Ичсанг андак бугун шароб ярашар,  
Бизнинг кўчампэда байрамдир бугун,  
Байрам, дўстларим.

Полвонлар бел бойлаб навбат кутмоқда,  
Совринга аҳд айлаб навбат кутмоқда,  
Не-не суворийлар руҳсат кутмоқда,  
Алллар ҳиммати бир оламдир бугун,  
Олам, дўстларим.

Танти Амударё гувоҳлик бергай,  
Ҳамиша халқ зафар бонги-ла келгай,  
Ҳосил шодиёнаси муборак бўлғай,  
Қўлим кўксимдадир — байрамдир бугун,  
Байрам, дўстларим!

1977

## ХИВА ДУТОРИ

*Асъхологлар Хивадэя мигит ва қиззининг  
мўмиёланган жасадини топдилар. Топилдиқ  
ишида қадимий Хива дутори ҳам бор эди.*

1

Мен сендан сўрайман дутсурим,  
Бағрингда неки зўр жаракт бор,  
Не орез-армонинг, не зоринг,  
Неки қурб, неки авж парданг бор,  
Кўрсатгил сен менга бус-бутун,  
Яширма бир қатра тотни ҳам.  
Оҳангдан маст бўлиб мен бу тун  
Шаробдай ичгайман ўтни ҳам.  
Мен сени тингламоқ истайман,  
Мен сени кўйла деб қистайман.

2

Мен сени кўйла деб қистайман,  
Куйлагил муҳаббат қўшигин.  
Қўшигинг тўлқиндай бешикан  
Дилимининг мавжига қўшился.  
Ва мени юлатсан жўш уриб,  
Тугёндан осойиш топгайман.  
Иўқ эса ҳар ёнга бош уриб,  
Ҳижроннинг азобин тортгайман.  
Менинг-да ишқ эрур паноҳим,  
Дуторим, сенадир қулогим.

Дуторим, сендаидир қулогим,  
 Сөирдир хаёлим тошлари.  
 Хива бу, қадимий диёрим,  
 Полвон пир, кўҳна арк, Тошҳовли.  
 Ошиқлар юрти бу азалий,  
 Севгига йўғрилган тупроги,  
 Тилида муҳаббат ғазали,  
 Муҳаббат маскани, ишқ бори.  
 Пештоқу тошида ишқ сўзи,  
 Кексаю ёшида ишқ сўзи.

Кексаю ёшида ишқ сўзи,  
 Севгига қасида ўқурлар.  
 Ардоқлаб муҳаббат юлдузин,  
 Дилярда машъала ёқурлар.  
 Айтурлар икки дил достонин,  
 Айтуб гоҳ тушурлар даҳшатга.  
 Гоҳ қарғаб ўткинчи дунёни,  
 Гоҳ лаънат ўқурлар қисматга.  
 Забунли кечмиши бекадр  
 Хивада топилди бир қабр.

Хивада топилди бир қабр,  
 Йигит-қиз тупроқда қотмишдир.  
 Икки тан хокисор, бетадбир  
 Мўмие ичинда ётмишдир.  
 Икковин бешида бир дутор  
 Эгасиз ётадир мунғайиб.  
 Кўпларга ваҳшат бу бетакрор,  
 Кўпларга томоша ғаройиб.

Элга бу кечмишнинг заволи,  
Менга бу муҳаббат тимсоли.

**6**

Менга бу муҳаббат тимсоли,  
Юраги тилингган муҳаббат.  
Орзулаб мангалик висолни,  
Мўмиё қилингган муҳаббат.  
Замона тошига бош тутиб,  
Манглайи ёрилган муҳаббат.  
Армони тўзгоқдек чош бўлиб,  
Тупроққа ёюрилган муҳаббат.  
Иккөвиин бошида бир дутор  
Севидан сўзлайди зор-зор.

**7**

Сеъидан сўзлайди зор-зор,  
Тинмайди дуторнинг ноласи.  
Қаршимда нурланар бир анор,  
Анорнинг иккита донаси  
Чўғ каби қизариб ёнма-эн  
Мунаввар тонгларни хушлайди.  
Оёгин остида лек замон  
Иккөвии эзғилаб ташлайди.  
Кўрсин деб авлодлар ҳам гўё  
Танига суртмишдир мўмиё.

**8**

Танига суртмишдир мўмиё,  
Тупроқда сақламоқ бўлибдир.  
Кўрсатиб муруват, меҳр ё  
Ўзини оқламоқ бўлибдир?  
Ёки бир муштипар энага

Ошиқлар жасадин авайлаб,  
Мўмиё сурдимн танига?  
Ё ожиз волида дод айлаб,  
Қоп-қора соchlарин юлдими,  
Кўзёшин мўмиё қилдими?

**9**

Кўзёшин мўмиё қилдими?  
Ё бир дўст тилкалаб кўксини.  
Кўхи Коф ё нидо қилдими,  
Мўмиё тутдими ўксиниб.  
Ошиқлар бошида ётган эй  
Дутор сен иолангга бер забон.  
Ул дугор торим йўқ дегандай  
Ётадир хазину паришон.  
Васф айлаб ошиқлар зорини  
Сен сўйла, қўлдаги торим-ей!

**10**

Сен сўйла, қўлдаги торим-ей,  
Мўмиё асрорин баён эт.  
Кўкламнинг эрувчан қоридай  
Руҳингни енгилу равон эт.  
Шаштини қайтариб озорнинг.  
Дилимдан ғуборни олсанг-чи.  
Сен ўшал мўмиё дуторнинг  
Тирилган садоси бўлсанг-чи.  
Одамлар кўзидағ овлоқда  
Ёнмоқда дилим, ҳей, ёнмоқда!

**11**

Ёнмоқда дилим, ҳей, ёнмоқда,  
Бир замон қулф урган гунича лаб—

Ул тани мўмиё ётмоқда  
Хивада ақлимни лол айлаб.  
Балки у дилоро Шоҳсанам,  
Мўмиё ичинда ётибдир.  
Эҳтимол паҳлавон ул тана —  
Мўмиё ул йигит Фарибдири.  
Суюкли дутори бошида,  
Мен ҳайрон турарман қошида.

## 12

Мен ҳайрон турарман қошида,  
Ягна хаёлим ҳамдамим.  
Бир куни топилса кошкӣди  
Ишқнинг ҳам мўмиё — малҳами.  
Қолмасди севгида жароҳат,  
Дилларнинг яраси битарди.  
Саргардон ошиқлар ниҳоят  
Муроду мақсадга етарди.  
Эҳ, фалак, ишқ надир, дард надир,  
Севига мўмиё қайдадир!

## 13

Севига мўмиё қайдадир,  
Йўқ дерлар муҳаббат давоси.  
Муҳаббат домига дил асир,  
Асирик — муҳаббат маъноси.  
Дерлар ишқ бир дарди бедаво,  
Бул дардга чалинган дил ҳароб.  
Наҳотки йўқ битта мўмиё —  
Бир малҳам қилинмас ихтиро?!

Ошиқи девона сингари  
Қўчага чиқарман сарсари.

Кўчага чиқарман сарсари,  
 Минора, гумбазлар оралаб,  
 Тенг бўлиб ошиқлар шаҳарин  
 Бош оқсан томонга бораман.  
 Ёл-ёргуғ, илиқ кун тун каби  
 Кўринар кўзимга қорайиб.  
 Бир ориқ болани ажнабий  
 Суратга олмоқда! Талтайиб,  
 Тур деса туради болакай,  
 Юр деса юради болакай.

Юр деса юради болакай,  
 Болакай нимани билади.  
 Шу бола устидан тепакал  
 Ажнабий молфуруш кулади.  
 Суратин журналда кўрганда  
 Эҳтимол Нью-Йорк ё Даллас  
 Бозорин гуллатган туллаклар  
 Кулгудан ўзини тиёлмас.  
 Суратни масхара қиласлар  
 Ишратдан толиқсан пулдорлар.

Ишратдан толиқсан нулдорлар  
 Изларлар дил очар тижорат.  
 Сигара тутатиб тонготар  
 Ўйнашга бир эрмак кифоя.  
 Қасалманд танларин музлатиб,  
 Сўнг қайта яшамоқ истарлар.  
 Бир аср муз ичра данг қотиб,  
 Сўнг қайта яшармоқ истарлар.

Аҳд этиб тирилиб — ўлмакка  
Хом хаёл сурарлар эрмакка.

17

Ҳсм хаёл сурарлар эрмакка,  
Яшарлар кин, риё ичинда.  
Бу пайтда йигит — қиз Хевакда<sup>1</sup>  
Ётарлар мўмиё ичинда.  
Қиз мангү севгига асира,  
Муҳаббат домига қул йигит.  
Мўмиё қиз балки Шоҳсанам,  
Фарибидир мўмиё ул йигит.  
Қўчада ажнабий овора...  
Суратга тушмоқда бир бола.

18

Суратга тушмоқда бир бола.  
Болакай нимани билади.  
Кун ўтиб шу бола улғая  
Мўмиё қабрга келади  
Ва таъзим этади севгига,  
Икки тан олдида бош эгиб.  
Уни-да чорларлар сұхбатга  
Мўмиё ичидан қиз — йигит.  
Сўз кетар тақдирнинг қаҳридан,  
Сўз кетар севгининг сеҳридан.

19

Сўз кетар севгининг сеҳридан,  
Дуторим, сен ундан огоҳ бўл.

---

<sup>1</sup> Хевак — Хиванинг эски номи билан боғлиқ қудуқ.

Пайванд бўл ошиқлар меҳрига,  
Севишган дилларга ҳамроҳ бўл.  
Сўзлагил севгининг розидан,  
Қил уни эл-юртга **овоза**.  
Севгининг мўмиё созидан  
Олакўр ўзингга андоза.  
Мен сени тингламоқ истайман,  
Мен сени куйла деб қистайман!

1978

## ИНСОН

Меҳнатни қора деб кулган ҳам сенсан  
Қора терга ботиб юрган ҳам сенсан.  
Қора меҳнат билан, қора тер билан  
Юртни оқартириб турган ҳам сенсан.

## СЕНИ ДЕБ...

Лайли деб Мажнун ёт саҳрога кетди,  
Зуҳра деб Тоҳир бот дарёга кетди.  
Сени деб Самандар чалди созини,  
Неми ишқ аталмиш дунёга кетди.

## МУНДАРИЖА

Дарё оқшоми	3
Раққоса	4
Құмсаш	5
«Ҳар хил янграр...»	6
Шаббодага*	7
Ожиза халфага	8
Хива дилбари	9
Дүст учун*	10
Жангчига ёзилған мактубдан*	11
Қиз қалби	12
Айтмоқ бор ва лекин*	13
Қайтарилемас бир олам*	14
Гина*	15
Севги күчаси	16
«Осмон билан...»	17
Мен сени күргум келур*	18
«Сокинликда туғилар құшиқ...»	19
Умр ва наврүз*	20
«Фақат бир тонг...»	21
Лазги	22
Бу кечә*	24
Дунёнинг ёшлиги	25
Хаёт	26
Багишлов*	28
Сохталиқ хусусида*	30
Рубоб	31

Қалб пиёласи	32
Йигит боши омон бўлса*	33
Артистлар кафеси	34
Иккинчи ёшлик*	36
Кўзларим сенга	38
Форишлик сайҳа	39
Шолекнинг юраги*	41
Улгайиш дарди	43
Ватан	44
Бир осмон нур	49
Чорвоқда	50
Кечирасиз, доктор	51
Нурли кеча	53
Ширин дамлар	54
Танишув	55
«Тоғдан-оққан шалола...»	57
Вафо десангиз*	58
Аёллар	59
Севги фасллари*	63
Қора кўз*	64
Хушхабар*	65
Бухорода бир оқшом*	66
Туямўйин қўшиғи*	67
Мактуб*	68
«Үйроқ эди қали юлдузлар...»	70
Саболар айтди*	71
Тўқсон дақиқа	72
Ғазал нафаси*	73
Тил учидা айттолмайман*	74
Учрашув олдидан*	75
Кутганимда*	76
Нихоят*	77
Сенга қарап бўлсам*	78
Вафо деган гавҳар*	79
Менинг учун*	80
Баҳор ўзгача*	81
Шайдойи еллар*	82
Сўлим қишлоқ*	83
Минг ёлворсан*	84
У-ку олис*	85
Бизни қутлаб*	86
Сўлмайдиган барг*	87
Сен ўзинг сабаб*	88
Сув оқмоқда оёғинг ўпиди	89
Бошга тушар демабман*	90

Кўзларимга боқ*	91
Сифат*	92
Орзу*	93
Иккимиз*	94
Муддао*	95
Муроса*	96
Қиёс борми ҳуснингга*	97
Сархуш бир оқшом*	98
Узгариш*	99
Таъна тоши*	100
Иккинчи дунёнинг одами*	101
Болалардан асраб*	102
Деҳқонлар ибрати*	103
Кўнгилга далда*	104
Ўзи бир тинчгина қиз*	105
Чора*	106
Тилак*	107
Сенга маҳтал бўлиб*	108
Гул ва тош*	109
Кўриб турибман*	110
Болалик гунохи*	111
Сир олмоқ бўлиб*	112
Зумматдан зиё*	113
Ваъдангдай тонасанми*	114
Утиб бўлмас бепарво*	115
Қизиқ*	116
Шубҳа*	117
Огоҳлантириш*	118
Эй, дарё*	119
Кайфият*	120
Рассом бўлсам*	121
Йўлга отланганда*	122
Совутмоқчи бўлишар мени*	123
Қадимий ошиқлардан*	124
Рост экан*	125
Хазил	126
Тоза бўлса одам ғубордан*	127
Биз кўпчиликмиз*	128
Үқармисан дилимни*	129
Хар гал шундай*	130
Ҳоҳиш*	131
Тоғ йўлида*	132
Муҳаббат чироги*	133
Сўзга қолмади ўрин*	134
Оптимиэм*	135

Май ўтиб бормоқда*	136
Рашк*	137
Сўрашларинг беҳуда*	138
Хавотир*	139
Адашмагил ҳисобда*	140
Юлдуз бўлиб*	141
Овоза эди	142
Ножӯя нуқта	143
Орамиз узоқ эмас	144
Синов қиласр	145
Совуқ тушганида	146
Қўшиқларим бир дафтар*	147
Агар севса кизлар	148
Шамолда туйғу бор дегим келади*	150
Ироқи дўппи	152
Икки зийнат оламда	153
Гул маконни сайд этиб*	155
Чалғувчига айтинг*	156
Совға	157
Амударё	158
Шўх қиз*	160
Асрлар гулдастаси	161
Бир қўшиқки	164
Ойнинг ёши	165
«Мен баҳорда чиқаман...»*	166
Илиқ эди эрта кўклам*	167
Нигоҳ ташлаб*	170
Маргилонга борамиз*	171
Она, сахий қўлингни оч*	172
Кўриниш бермоқ*	174
Она қўшиқларин унугтиб*	175
Гирдоб*	177
Бугуннинг сўзи*	179
Селлар*	181
Менинг йигит вақтим*	183
Укажонларим*	185
Дарёни кўрган гужум*	187
Хаёлларни чорлаш*	189
Эски улфатлар*	191
Олма пишганда*	193
Хитоб*	194
Ўйинқароқ кун*	195
Турфа ўйинлар*	196
Аму соҳилида байрам*	197
Хива дутори*	199

\* © Faфур Fuлom номидаги Адабчёт ва санъат шашириётти, 1979.

## На узбекском языке

**Эркин Самандар (Самандаров)**

## ГОДЫ МОИ УДАЛЫЕ

Лирика

Редактор М. Ахмедов  
Рассом Г. Ашикова  
Расмлар редактори А. Бобров  
Техн. редактор Е. Потапова  
Корректор Р. Содикбекова

ИБ №-616

Босмахонага берилди 12.02.79. Босишга рухсат этилди 16.04.79. Формати  $70 \times 90\frac{1}{32}$ . Босма л. 6,625. Шартли Босма л. 7,75. Нашр л. 4,7. Тиражи 10000 Р-01293 Гафур Гулом иномидаги Адабиёт ва санъат нашрёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 164-78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарниш бирлашмасидан 1-қоғозга бослиди. Тошкент. Хоразм кӯчаси, 9. 1979 йил. Зак. № 838. Баҳоси 75 т.